




Guliston

2002/3



Она-табиат



МУСТАҚИЛЛИК

11

ЙИЛ

ЎЗБЕКИСТОН

БУЮК КЕЛАЖАК САРИ

Бугун кечираётган ҳаётимиз, ҳаракатларимиз, интилишимиз тарихда қолади. Келгуси авлодлар бу тарихни мустақиллик, озодлик, хуррият тарихи деб эъзоз-ҳурмат билан эслашлари муқаррар. Йиллар ўтади, асрлар ўтади. Янги авлодлар мутлақо янги жамиятда, жаҳоннинг энг илгор мамлакатларидан бирига айланган (бунга ишончим комил) ҳур Ўзбекистонда яшайди.

Асрлар давомида ақлу заковати ила бунёд этган бой маънавияти туфайли халқимиз мағрур яшади, меҳнат қилди, доимо хуррият ва эрк сари интилди. Ана шу миллий онг, ана шу миллий гурур бугунги истиқлолимизнинг олтин пойдеворидир.

Маънавият — тақдирнинг эҳсони эмас. Маънавият — инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч-қудратидир. У йўқ жойда ҳеч қачон бахт-саодат бўлмайди.

Мақсад дегани — халқни, миллатни бирлаштирувчи, йўлга бошловчи бамисоли бир байроқ. Бу байроқ бутун Ўзбекистон халқининг руҳини, гурур-ифтихорини, керак бўлса, қудратини, орзу-интилишларини муҷассамлаштирадиган улуг кучдир.

Замон билан ҳамқадам бўламан, деган раҳбарнинг вазифаси — одамларга ишлаш, даромад қилиш учун шароит яратиб бериш, шу йўл билан уларнинг моддий фаровонлигини оширишдир. Акс ҳолда, уларнинг ис-

лоҳотлардан ихлоси қайтади, эртанги кунга бўлган ишончи сусаяди.

Ўз истиқлол ва тараққиёт йўлимиз — бу гул билан қопланган йўл эмас, бу — тоталитаризм меросидан халос бўлиш ва покланиш, мафкуравийлик иллоти етказган зиён-заҳматларни бартараф этишининг қийин, узоқ давом этадиган йўлидир.

Бу юртнинг эгаси бор. Бу юртнинг эгаси — заҳматкаш, олижаноб, кўпни кўрган, иродаси мустаҳкам, иймони бутун халқимиздир. Эгаси бор юрт ҳеч қачон душманга оёқ ости бўлмайди.

Биз ўз тарихимизда ҳеч қачон, ҳеч кимга ҳасад, ёвуз ният билан қаранган эмасмиз ва бошқалардан ҳам шуни талаб қилишга ҳақлимиз.

Инсон баъзан ўз тақдиридан, омадидан, кундалик ҳаётидан норози бўлиши мумкин, лекин у ҳеч қачон, ҳеч қандай вазиятда ўз Ватанидан хафа бўлиши, кимгадир зарда қилиб, қандайдир алам билан, эл-юртига нисбатан хиёнат йўлига ўтишини мутлақо гайриинсоний, гайритабиий ҳолат, деб биламан.

Биз бугун очик жамиятда яшаймиз, эркин ва озод ҳаёт қураямиз. Табиийки, бундай шароитда турли хил фикрлар, гоя ва қарашлар мавжуд бўлади. Биз барчани кўр-кўрона бир фикрга итоат қилдириш тарафдори эмасмиз.



Бош муҳаррир:
Азим СУЮН

Тахрир хайъати:
Юсуф АБДУЛЛАЕВ,
Бобур АЛИМОВ,
Аслиддин БОЛИЕВ,
Неъматилла ИБРОҲИМОВ,
Абдусайд КҮЧИМОВ,
Отаназар МАТЌУБОВ,
Жалолбек ЙҮЛДОШБЕКОВ
(бош муҳаррир ўринбосари),
Исфандиёр ЛАТИПОВ,
Абдулла ОРИПОВ,
Шухрат ОРИФ
(масъул котиб),
Қобилжон ТОШМАТОВ,
Рустам ШОҒУЛОМОВ,
Эркин ЭРНАЗАРОВ,
Табысқан ҚАНААТОВ,
Жуманазар ХУСАНОВ,
Абдуғани ЖУМАЕВ.

Бўлим муҳаррирлари:
Сирожиддин АҲМЕДОВ,
Комил ЖОНТОВЕВ,
Маъпура НАБИЕВА.
Саҳифалаш ва дизайн:
Барно ҲОШИМОВА.
Мусаввир:
Раҳима ҚҮНФИРОВА.
Мусахҳих:
Маҳмуда АБДУЛЛАЕВА.
Фотомухбирлар:
Турғунбек МАҲКАМОВ,
Дмитрий КУРЬЯКОВ.

Навбатчи муҳаррир:
С.АҲМЕДОВ.

Муассис:
Ўзбекистон Республикаси
Маданият ишлари
вазирлиги

Журнал 1925 йилдан чиқа
бошлаган.

Босишга 15.07.2002 да
топширилди.
Қоғози 70x108 1/8.
Ҳажми 4,5 босма табақ.
Буюртма № 3759.

“Шарқ” нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмахонаси.

Тахририят манзили:
700029, Тошкент - ГСП,
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Телефонлар:
Қабулхона: 136-78-90
Бош муҳаррир ўринбосари:
133-08-57
Масъул котиб:
133-07-94

“ГУЛИСТОН” 3/2002

Ушбу сон мазмуни:

Жуманазар ХУСАНОВ:



*Шеърнинг эътибори —
миллатнинг эътибори* 6

Расул ҲАМЗАТОВ

Дорастоннинг... 11

Наим КАРИМОВ

*Ўзбек диванчиликнинг
музатчилиши...* 14

Шукур ХОЛМИРЗАЕВ



ОТ ЙИЛИ
(қисса) ... 18

Болалар саҳифаси



QUVNOQ
FILCHA... 25

*Ўзингизнинг
либослари ...* 26

Йоханн Волфганг Гёте
Маҳбубларнинг мактублари... 28

*Қандай қилиб соғлиқни ва ёшлиқни юз
ёшгача сақлаш мумкин...* 31

МУҚОВАЛАРДА:

Биринчи бет — фотосуратлар
муаллифи Валерий Таран
Иккинчи бет — сиёсий плакат
муаллифлари Анвар Мусахўжаев,
Комил Жонтоев
Тўртинчи бет — фотосуратлар
муаллифи Абдуғани Жумаев.



Ушод этиш, қовоз қоралаш осон эмаслиги, умуман, қийинчилик чекмай, ҳаёт заҳматини тошмай, унда тобланмай туриб ҳақиқий инсон бўлиб вояга етиш мумкин эмаслиги бор гап. Чин инсон бўлиш, ҳаётда ўз ўрнига эга бўлмоқ учун доим нимагадир интилиб яшамоқ лозим. Йўқ, тўғрироғи, нимагадир эмас, ягона мақсад сари интилиш зарур.

Ёш истеъдод соҳибаси Камола Субҳонов ва ҳам ўз йўлидан, ўз мақсади сари интилиб, гадиладимлаётган ёшлардан бири. У Алишер Навоий номидаги республика Нафис санъат ихтисослашган мактаб-интернатига, Абдурахмон Нурқобилов синфига таълим олади.

Яқинда Ҳиндистондан хушxabар келди: Камола ёш мусаввирларнинг халқаро Шанкар мукофоти соҳибаси бўлди. У энди Камолддин Беҳзод номидаги Миллий расомлик ва дизайн институтига имтиёзли тарзда кириб ўқиш имконига эга. Ушбу халқаро танлов 1949 йилдан буён ўтказилади. Унда ўзбекистонлик ёш мусаввирлар фақат истиқлол йилларидагина иштирок эта бошладилар. Бу йил ушбу тадбирда 40 дан зиёд мамлакат вакиллари иштирок



“Иқтидорли бола — миллат бойлиги”

эди. Шулар орасида Камоланинг кумуш медаль соҳибаси бўлиши қалбимизда унга нисбатан ҳурмат ва фахр туйғусини уйғотди. Камола акварелда чизилган “Куз манзараси”, “Байрам” ва “Бозорга” асарларини танлов ҳайъатига йўлаган эди.

Камола негадир фаслаар орасида олтин кузни, жониворлардан отни кўпроқ яхши кўради. Шунинг учун кўлига қалам олди дегунча, дарахт япроқларининг сарвайиб бораётгани-ю, кенгликларда чопиб кетаётган отларни қайта-қайта чизаверади. У “Куз манзараси” асарини ўзгача меҳр-муҳаббат билан чизиб, Ҳиндистондаги танловга йўлаган эди. Меҳр билан бажарилган иш ўз самарасини бериши эса шубҳасиздир.

Камола чизган суратларни кўздан кечирар эканман, Ўзбекистон халқ шоири Зулфияxonим портрети қалбимда ажиб туйғулар уйғотди. Камола асарини “Ўрик гуллаганда” деб номлабди. Дераза ёнида Зулфияxonим хаёл суриб турибди. Суратга боқар экансиз, хаёл сизни ҳам олис-олисларга етаклайди...

Нафис санъат ихтисослашган мактаб-интернати директори Сўлмас Султонов суҳбатларимизнинг бирида: “Иқтидорли бола — табиатнинг инъоми, миллат бойлиги, юртнинг келажаги”, — деган эдилар. Биз ҳам шу сўзларга қўшилган ҳолда нафосатга ошно қалб Камолахонга хаёлотинг янада юксалаверсин, қизим, деймиз!

Маъфура НАБИЕВА.

ИСТИҚЛОЛ АБАДИЙ!

Инсон боласи учун озодликдан қадрли неъмат йўқ. Дунёдаги жамики бунёдкорликлар ва яратувчанлик асоси озодликдир. Фақат озод жамиятдагина инсондек яшаш, орзулар рўёбини кўриш мумкин. Фақат эркинликкига миллатлар салоҳиятини бор бўй-баста билан намоён этади. Ана шунинг учун ҳам инсоният ўзини таний бошлаган замонлардан буён мустақиллик учун тинимсиз курашади. Башариятнинг бир бутун тарихи халқларнинг, миллатларнинг ўз-ўзини англаш, озодлик учун курашлари тарихидир. Бу азиз неъмат илнжуда аёвсиз курашларга ўзини отган миллатлар, халқлар, элу элатлар кўп. Дунёда бугун ҳам мустақиллик армони билан яшаётган халқлар камми?!

Шукрки, ўзбек халқи елкасига ҳам офтоб теғди. Мустақиллик! Асрлар давомига армон бўлиб келган, аждоғларга насиб этмаган толе! Қанчадан-қанча Торобийларни, Широқларни, Мангубердиларни, Чўлпонларни вояга етказган, «қон тупуртирган» орзу! Сўнгсиз дуоларнинг ижобати бу!

Мустақиллик сабаб таҳқирланган миллат қаддини, қадрини кўтарди. Унутилиб бораётган ўзлигини, аждоғларини таниди. Тенглар аро тенглиги, дунё бешигини тебратган алломалар ватани эканини намоён этди. Ўзбекнинг оддий оиласида вояга етган фарзандлар бугун дунё кезаёттир. «Ўзбек» номини жаҳон аро баланг тутиб юксак марраларга эришаёттир. Истиқлол йилларида тафакқури бутунлай янгича бўлган авлод вояга етди. Жаҳоний ютуқлар силсиласи бу авлод учун ҳайратланарли эмас. Илғор технологияларни ўзлаштириб, тараққиёт йўлида ўзини сафарбар этаётган авлоддир бу!

Бунёдкор ислоҳотлар шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфасини тубдан ўзгартириб юборди. Юртимизнинг турли бурчакларида замонавий муҳташам иншоотлар, ўқув муассасалари қад ростлади. Турмушимиз кундан-кун янгилашиб, тобора фаровонлашиб бормоқда. Дунё айвонига давлат байроғимиз мағрур ҳилпирамоқда. Ҳизр назари тушган муборак ўзбек заминига улкан имкониятлар борлиги бугун ҳеч кимга сир эмас. Қанчадан-қанча Муҳаммадқодирлар, Иродалар, Рустамлар, Миржалоллар камолга етмоқда бу заминда! Буларнинг барчаси истиқлол яратиш берган имкониятлар ҳосиласидир. Юртбошимиз бот-бот таъкидлаганларидек, ўзини шу юртнинг ҳақиқий фарзанди деб билган ҳар бир фуқаро бу улғу неъматнинг қадрига етиши, Ватан ва халқ манфаати йўлида янада жипслашиши зарур. Ана шундагина эртанги кунимиз бугунимиздан ёруғ ва нурли бўлади.

Барча ютуқларимиз манбаи ва илҳомчиси бўлган юртимиз истиқлоли пойдоғ бўлсин!

Ватан

(Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига бағишлайман)

1

Биринчи сентябрь
Бир минг тўққиз юз
тўқсон биринчи йил! О, қутлуғ сана!
Зулм парчалади!
Бузилди қафас!
Самовий Озодлик қилди тантана!
Титради Ёвуз Куч!
Қақшар беомон!
Асрий асоратлар тоқди-ку заво!
Жаҳон майдонида —
хур Ўзбекистон!
О, Темурий миллат! Сизники ҳалол!

Жон-жондан туйдим мен
Тангрим меҳрини,
Халқим олди абад
Хурлик муҳрини!

2

Шодликка тўл, Ватан,
Шодликка буркан,
Ҳаёт, Эркинликнинг
қувончларин тот!
Сен ҳам тирикликнинг
аслини ўрган,
Асрлар аламли жаңдаларин от!
О, илоҳий Кун! Кун!
О, илоҳий Сас!

Истиқлол — Истиқбол
қилинди эълон!
Осмон гумбуради,
Чақмоқ чақди, бас,
Бир зум қалқиб тушди
халқ ва оломон!

Мен бу кун эслайман
Сўзлар сеҳрини,
Халқим олди абад
Хурлик муҳрини!

3

Қаттол Империя.
Мустабид тузум,
Қонларга қоришган
манфур сиёсат,
Сақлаб қолмоқ учун заминда ўзин
Бўхтонлар ёғдирди қаватма-қават.
Боши янчилмаган мафкура — илон,
Дунёни бузгудек жон талвасаси,
Даҳшатли қиёфа касб этди, инон,
Ҳар дам тайёр эди кунда, болтаси.

Огоҳ бўл, ёдда тут
маккор макрини,
Халқим олди абад
Хурлик муҳрини!

4

Қанча тубанлашган
эrsa залолат,
Шунча яқин келгай қиёмат қойим.
Сени шарафлайман буюк жасорат.
Сен менинг шавкатим,
сен менинг орим!
Одамзот қалбини
тарк этсанг агар,
Оламни босарди дўзахий андуҳ,
Бемаъно яшарди заминда башар,
Мангу шараф сенга,
эй ҳалоскор Рух!

Пайғамбар ҳам қилган
унинг зикрини,
Халқим олди абад
Хурлик муҳрини!

5

О, Турон ерлари,
О, Турон элар,
Не салаф урҳосин эшитмагансиз.
Бугун учиб келди сиз кутган елар,
Ҳеч қачон бу қадар энтикмагансиз.
Онамиз Тўмарис.
Отамиз Широқ
Нон тутиб турибди энгликлариди.
Озодлик ягона,

Озодлик — байроқ
Улкан Осиёнинг кенгликларида!

Бугун алқагаймиз эрка руҳини,
Халқим олди абад
Хурлик муҳрини!

6

Юрт қадрин сўрагил
мусофирлардан.

Эркинлик қадрини
қуллардан сўра.

Султон суяги хор,
ҳа, кофирлардан,
Жалолиддин — шердил, эрлардан
сўра!

Аждодлар йўлидир —
Истиқлол йўли.

Улар калимаси бизга мададкор.
Соҳибқирон турар,
гуллар ўнг-сўли,
Сурати-сийрати улуғвор, пойдор!

Ўзбекюрт куйлайди
шону мадҳини,

Халқим олди абад
Хурлик муҳрини!

7

Ватан, тарихингда
Туркистон бўлиб
Не буюк Давлатлар
қуриб яшадинг.

Сарҳадсиз сарҳадлар,
денгиздай тўлиб

Не-не салтанатлар
эвриб яшнадинг!

Менинг пирым эрур
Қул Ҳожа Аҳмад,
Она тилим асли —
«Ҳикмат» тилидир.

Навоий Олоҳдан
берилган Давлат —
Миллатим комили,
миллат пиридир!

О, бугун тинглайман
пирлар шукрини,
Халқим олди абад
Хурлик муҳрини!

8

Тугади йўлсизлик,
Қайтди шон-шавкат,
Ипак йўлларида муаззам карвон,
О, қайтди Қуръоним —
илоҳий қудрат,

Қайтди Фарғонийлар —
фозили жаҳон.

Гулчамбар, олқишга
доҳил, муяссар,
О, ўзбек деҳқони, о тилло бобо,
Ўтиб кетибди-ку бир ярим аср,
Ўзи ўз ерига қайтгунича то!

Унутиб бўлгайми ёвлар қаҳрини,
Халқим олди абад
Хурлик муҳрини!

9

Мен фикр уқаман олис юзлардан.
Дил-дилим Тангримнинг
макони эрур.

Шаҳидлар майдони,
кездим излардан,
Қодирий, Чўлпонлар
кўзларида нур.

Уларнинг қалами қолмади ерда,
Йўқ, улар созлари қолмади ғариб.
Куйлади қасоскор хур оҳангларда
Замондош устозим Абдулла Ориф!

Ўпаман юртимнинг тупроқ, туғини,
Халқим олди абад
Хурлик муҳрини!

10

Бугун қурилмоқда буюк Иморат,
Буюк Бунёдкорга мангу ташаккур!
Улуғ майдон узра минбарда азот
Миллатим сардори
сўзлайди мағрур!

Ундан миннатдордир
Дўст, қардош, аждод.
Ҳақ Халқни бош
қилди ҳокимиятта.

Уни шарафлайди
Келажак авлод,
У мангу даҳддор Абадиятта!

О, Олоҳ! Қайтардинг
юрт Темурини,
Халқим олди абад
Хурлик муҳрини!

11

Кеча гувоҳ эдим зулм-зулматта,
Кўрганман юрт зорин,
хорин: гувоҳман.

Бугун гувоҳдирман
Тожу тахт — бахтта,
Огоҳлар ичида мен ҳам огоҳман!
Азим Суюн, тотдим,
Хурлик тотини,
Ҳа, бахтли шоирман,
бахти ёр инсон —

Кўрдим Империя ҳалокатини,
Келар замонларга қилурман аён!

Битдим авлодларга қалбим кўрини,
Халқим олди абад
Хурлик муҳрини!

— Истиқлол йилларида барча соҳаларда бўлганидек, таълим тизимида ҳам бир қатор ислохотлар амалга оширилди ва оширилмоқда. Бу ислохотлар ҳаётӣ зарурат эканлиги сир эмас. Сизнингча, ҳозир амалда бўлган таълим тизимининг собиқ Иттифоқ давридаги эски тизимдан асосий фарқлари нимада?

— Ҳақиқатан ҳам мустақилликнинг кўлга киритилиши барча соҳалар каби янги мазмундаги узлуксиз таълим тизимининг қайта ташкил этилиши ва ривожланиши учун ҳам катта имкониятларни яратиб берди. Биринчи навбатда, миллий асосларга қурилган ва жаҳондаги ривожланган давлатлар ютуқлари билан бойитилган таълимни бунёд этиш давлат аҳамиятига молик вазифалардан бирига айланди. Яъни, собиқ Иттифоқ даврида таълим турлари ўртасидаги узилишлар, ўсиб келаётган авлодни мустақил фикрлашга ўргатмаслик, меҳнат фаолиятига тайёрламаслик муаммолари таълимнинг оқсашига ва белгиланган вазифаларнинг са-

Таълимга эътибор ~

Олий ва ўрта-махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари, Ўрта-махсус,

марасиз яқунланишига олиб келганлиги барчамизга аён.

Собиқ Иттифоқ даврида миллий таълим тизимининг тарихан шаклланган тажрибалари, маҳаллий ва ҳудудий хусусиятлар ҳисобга олинган эмас. Таълим муассасалари ўқув моддий-техника базасининг ночорлиги, ўқув дастури, дарслик ва қўлланмаларнинг жамият эҳтиёжига тўла жавоб бера олмаслиги одатий ҳолга айланди. Ўша пайтларда жаҳон давлатларидаги таълим ривожидан орқада қолиш ҳамда таълимнинг халқ ҳўжалиги учун зарур кадрларни тайёрлашга номувофиқлиги жамиятда турли муаммоларни вужудга келтирди.

Юзага келган муаммоларнинг чуқур ва ҳар томонлама таҳлили таълим соҳасида ислохотларни амалга ошириш орқали келажакда мустақил мамлакатимизнинг илмий салоҳияти ва кудратини рўёбга чиқариш мумкинлигини аён қилди. Муҳтарам Президентимиз И.А.Каримовнинг шахсан ташаббуслари ва раҳбарлигида узлуксиз таълим тизимини ривожлантиришнинг ўзимизга хос ва мос йўли танланди ҳамда миллий таълимнинг мустаҳкам пойдевори яратилишига асос бўлган «Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳрири, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва бошқа бир қанча меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Агарда таълим соҳасидаги бугунги янгиланиш ва ўзгаришлар жараёнига муносабат билдирсак, амалдаги таълим тизимининг эски таълим тизимидан фарқи тўла намоён бўлади.

Биринчидан, таълим тизимининг мил-

лий негизга қурилганлиги ва таълим соҳасини ривожлантиришнинг мақсадли йўналишларига эгаллиги;

Иккинчидан, таълим тизими бўғинлари ўртасидаги узвийлик ва изчилликнинг илмий асосда таъминланганлиги;

Учинчидан, таълимнинг жамият ҳаётидаги ролини ошириш ва халқ ҳўжалигининг барча тармоқлари учун зарур кадрларни тайёрлаш механизмининг яратилганлиги;

Тўртинчидан, халқаро ҳамкорликнинг йўлга қўйилганлиги ва хорижий давлатлар илғор тажрибасининг таълим жараёнига тадбиқ қилинаётганлиги таълимни ривожлантиришнинг муҳим омилларидандир.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ҳозир амалда бўлган таълим тизими ўзининг бунёдкорлиги, яратувчанлиги ҳамда жамиятни ривожлантиришда асосий ҳаракатлантирувчи кучга айланганлиги билан фарқланади.

— **Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг биринчи босқичи 1997-2001 йилларга белгиланган эди. Эндиликда мазкур дастурнинг иккинчи — сифат босқичи бошланди. Унинг биринчи босқичида кўзланган натижаларга эришилдими? Иккинчи босқич қандай мақсадларни кўзда тутуди?**

— Таълимни ривожлантиришнинг бу модели халқаро миқёсда эътироф этилиши таълим соҳасидаги ислохотлар тўғри йўлдан бораётганлигидан далолатдир.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг қабул қилиниши таълимни янги босқичга кўтаришда тарихий бурилиш даврини



Миллатга эътибор

касб-хунар таълими маркази раҳбари Жуманазар ҲУСАНОВ билан суҳбат

бошлаб берди.

Таълим тизимида янгидан бунёд этилган ўрта махсус, касб-хунар таълими биз юқорида тўхталиб ўтган моделнинг энг асосий ажралмас таркибий қисми ҳисобланади. Хусусан, бу таълим тизими ташкил топганидан кейинги давр мобайнида жуда катта ўзгаришлар амалга оширилди. Айнан шу таълим турига кирувчи таълим муассасалари ёшларимиз чуқур билим олишлари ва ихтисослаштирилган касб-хунар эгаллашлари учун кучли илмий ва таълимий салоҳиятга эга масканлар сифатида жадал ривожланиб бормоқда.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг биринчи босқичида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, ўрта махсус, касб-хунар таълимининг ҳуқуқий-меъёрий, моддий-техника базаси яратилди ҳамда ўқув-услубий асослари шакллантирилди.

Ҳозирда мамлакатимизда жами 900 га яқин ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасалари фаолият юритмоқда. 1998-2001 йиллар мобайнида республика миқёсида 338 та янги турдаги таълим муассасалари қурилиш ва реконструкция ҳисобига ишга туширилди. Шулардан, 47 таси академик лицей ва 291 та касб-хунар коллежларидир. Улардан 65 таси янгидан қурилиш ва 273 таси қайта таъмирлаш ҳисобига ишга туширилди. Бу мақсадлар учун 1998-2001 йилларда сарфланган капитал маблағлар 227 миллиард 600 млн. сўмдан ошиб кетди. 2002 йил бу борадаги ишларни янада ривожлантириш учун 146 миллиард сўм маблағ ажратилиши режалаштирилиб, академик

лицейлар ва касб-хунар коллежларини реконструкция қилиш ва қуриш ишлари амалга оширилмоқда. Бундан кўриниб турибдики, давлатимиз ёшларнинг кучли билим олишлари, юксак маънавият соҳиби ва жисмонан бақувват бўлиб вояга етишлари учун ҳеч нарсани аямайди. Ушбу ўқув масканлари керакли ўқув жиҳозлари, кўргазмали куруллар ва инвентарлар билан таъминланди.

Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими учун мўлжалланган 8 та меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилди. Академик лицейларнинг 4 йўналиши бўйича жами 4 та тармоқ давлат таълим стандарти, 10 та ўқув режалари ва 69 та чуқурлаштирилган фанлардан ўқув дастурлари ишлаб чиқилиб, амалда қўлланилмоқда.

Касб-хунар коллежларининг 291 та тайёрлов йўналишлари бўйича 225 та тармоқ стандартлари, 225 та ўқув режалари, 2883 та махсус ва умумқасбий фанлар ўқув дастурлари ишлаб чиқилиб, таълим жараёнида фойдаланилмоқда. Ҳозирда 46 та тармоқ стандартлари тақриздан ўтказилиб, тасдиқ учун тайёрланди ва 145 таси тажриба-синовдан ўтказилмоқда, 66 йўналиш бўйича тармоқ стандартлари ишлаб чиқилмоқда.

Ҳозирги кунгача 80 номдаги дарслик ва ўқув қўлланмалар нашрдан чиқарилиб, ўқув юртларига етказилди. Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги «Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими учун дарслик ва адабиётларнинг янги авлодини яратиш тўғрисида»ги ҳужжат асосида амалий ишлар олиб борилмоқда. Ўқув юртлари учун дарсликлар ва



ўқув қўлланмаларнинг янги авлодини яратиш мақсадида олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари ҳамда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқитувчилари билан доимий ишлар олиб борилмоқда. Бугунги кунга қадар нашрдан чиққан дарслик ва ўқув адабиётлар муаллифларидан бошқа 345 дан ортиқ муаллифлар билан шартномалар имзоланди.

Ўтган давр мобайнида жами 25175 нафар кадр малакасини оширган бўлса, янгидан ташкил этилган жойлардаги доимий ҳаракатдаги малака ошириш курсларида 15615 нафар педагог ва муҳандис-педагоглар ўз малакаларини оширдилар. 435 нафар ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқитувчилари ривожланган хорижий давлатларда тажриба ўрганиб қайтди.

Биринчи босқичда кўзланган мақсадларга эришилди, десам муболаға бўлмайди. Албатта, бартараф этилиши лозим бўлган муаммолар ҳам мавжуд. Чунки академик лицей ва касб-хунар коллежлари таълим тизимининг янги бўғини бўлиб, уни бунёд этиш ва мустаҳкам тизим сифатида ривожланишини йўлга қўйиш осон эмас. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг иккинчи босқичида асосий эътибор таълим мазмуни сифатини оширишга қаратилган ва бу борада аниқ амалий ишлар бажарилмоқда.

— Жадал ислохотлар сабаб шаҳар ва қишлоқларимизда кўплаб академик лицей ва касб-хунар коллежлари қуриб битказилди. Бу таълим муассасаларининг ўқув моддий-техник таъминотини яхшилаш борасида қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Янгидан бунёд этилган таълим муассасалари шаҳар ва қишлоқлар кўркига кўрк қўшиб, маърифат ва маданият масканларига айланиб бораётганлиги қувонарлидир. Уларнинг ўқув моддий-техник салоҳияти борган сари мустаҳкамланиб





бормоқда. Таълим муассасаларини ўқув жиҳозлари ва техник воситалар билан таъминлаш учун 1998 йилдан ҳозирги кунгача республика бюджетидан 15 миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарфланди.

корлик кредитлари, Осиё тараққиёт ва ривожланиш банкнинг кредитлари орқали кўплаб керакли жиҳозлар билан таъминлаб борилмоқда. Ҳозирда 345 та

Замонавий ўқув жиҳозлари билан таъминлаш учун илғор давлатлар, хусусан, Жанубий Корея билан ҳамкорликда 11 миллиард сўмлик кредит маблағлари мақсадли сарфланди. Бундай ҳамкорликдаги ишларни ривожлантириш учун илғор давлатлар билан алоқалар янада кучайтирилиб, ўқув муассасаларини Япония, Германия каби давлатларнинг ҳам-

ўқув юрти 526 та замонавий компьютер ва техник воситалар билан таъминланган. Шуни ҳисобга олиб, янгидан бунёд этилган академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида фан кабинетлари бугунги кун талаблари даражасида жиҳозланган, деб ишонч билан айта оламиз.

Таълим муассасаларида маънавий-маърифий, тарбиявий ишларни янада тақомиллаштиришга муҳим вазифалардан бири сифатида қарамоғимиз керак. Ватанимизни ривожлантиришда жисмонан бақувват, ватанпарвар, илмли, бунёдкорлик фазилатларини ўзида мужассам этган ёшларнинг ўрни беқиёс эканлигини ўсиб келаётган ёш авлод онгига сингдириб бориш лозим. Ана шундай руҳда камол топган ёшлар Ўзбекистонни қудратли давлатга айлантириш жараёнида фалол қатнашиб, ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшадилар.

Шухрат ОРИФ
суҳбатлашди

Ривоят

Нон ҳиди

— Шундай қилиб, Самарқанд ер юзига нони билан ҳам машхур денг?..

— Шундай, бу ҳақда Амир Темур бобомиз номи билан боғлиқ ривоят ҳам бор.

— Айтиб беринг, бўлмаса...

Суҳбатдошим Мирумар ака тин олди, унинг 70 ни кўрган кекса боши асрлар чокини сўкаётгани юзидаги чизиқлар кўпайганидан сезилиб турарди.

...Соҳибқирон юриш чоғларида Самарқанддан нон келтириб, тановул қилар экан. Бир сафар ўзи билан бирга новвойни ҳам олиб кетибди. Борган жойида тандир қуриб, нон

ёпишни буюрибди. Новвой маҳоратини ҳар қанча ишга солмасин, натижа ўйлаганидай бўлмабди. Нон Самарқанддагидай ширин эмасмиш. Буни соҳибқирон ҳам сезибди. Новвой ўйлай-ўйлай, масаланинг тагига етибди: дорус-салтанатнинг тупроғи, уни, тандири, оловини, сувини келтириш мумкин, аммо унинг ҳавосини...

Амир эртасига новвойни нон ёпиб келиш учун Самарқандга жўнатибди.

...Мирумар аканинг хаёлларида кезаётган хотиралар Самарқанд ҳавосидай мусаффо, тонгидай тиниқ, нонга таъм берар даражада беғубор эканлиги сезилиб турарди.

Уч қизнинг кўз ёшлари

Заргарсойда уч тепалик бор. Учовининг ҳам тагидан булоқ оқиб ётади. Мен баҳорда битмас-тинмас хаёлдек қайнаб ётган ўша булоқлар кўзларига тикилганман. Эшитган ривоятимни жонлантирганман гўё...

...Учта ўғли бўлган ота бева қолибди. Уйланибди. Аёлнинг ҳам учта сағир қизи бор экан. Она қаерда бўлса, бола ҳам шу ерда-да.

Ёшлар вояга етиб, оила қурадиган бўлишибди. Учала ўсмир ўғай онанинг иярган (эргашиб келган) қизларига кўнгил кўйишибди. Лекин уятли, орли қизлар унашмабди. Ота-оналарига ёрилган қизлар дарди давосиз қолибди: ота-да, она-да елка қисибди. Уч бўйқиз чорасиз, имконсиз қолибдилар. Ниҳоят улар бир фикрга келишибди. Худди ма-на шу — Заргарсойдаги тепаликларга келиб ялинишибди:

— Она ер, бизни бағринга ол, иснод билан яшай олмай-миз...

Тепаликлар бир уйни обод қиладиган бўйқизларни бағри-

га олибди. Улардан фақат кўз ёшларигина қолибди булоқ бўлиб. Қизларидан айрилган ота ва она тепаликка ёлворибди:

— Қизларимизни кўрсат, тавба қилдик.

— Аввалроқ ўйлаш керак эди, — товуш чиқибди тепаликдан.

— Сўнгги пушмон—ўзингга душман...

Қизларнинг ўғай акалари келишибди:

— Сингилларимизни кўрсат, тавба қилдик...

— Эр йигитнинг уялгани — ўлгани. Сизлар шаънингизга доғ тушириб бўлдингизлар, энди кеч...

Улар қайнаб ётган булоқларга тикилишибди. Ундан ўпкагина, норозилик қайнаб чиқаётгандай бўлибди.

Уч қизнинг кўз ёшларини кўрганмисиз?!

Пардабой ТОҶИБОВ,
Фаллаорол

Эл севган санъаткор

Замонамизнинг забардаст бастакори Сайфи Жалил болалик пайтларидан мусиқа санъатига меҳр қўйди. У жаҳон мумтоз мусикасини ўрганди, ибратли томонларини Шарқ санъатига олиб киришга интилди.

Мусиқа яратишга бўлган иштиёқ Сайфиддинни аввал билим юртига, сўнг 1960 йилда Тошкент давлат консерваториясига (ҳозирги Ўзбекистон давлат консерваторияси) етаклади.

Бастакорнинг «Тошкент манзаралари» номли симфоник сюитаси, Алишер Навоий достонига ёзилган «Мажнун монологи» номли вокал-симфоник поэмалари, Саъди Шерозий ғазалига ёзилган «Эй, сарбон» қўшиғи, Фурқат ғазали билан ижро этилувчи «Пари рўйим» романи, Муҳаммад Али шеърига басталанган «Кўнглим гули» романи, М.Каримов шеъри асосида хор учун яратилган «Муқаддас тупроқ» асарларини тинглаган кишида ёқимли туйғу пайдо бўлиши табиий.

Сайфи Жалил, айниқса, мусиқали драма жанрида баракали ижод қилиб келмоқда. Юнус Ражабий билан ҳамкорликда яратилган «Алишер Навоий Астрободда», Уйғун пьесасига ёзилган «Лақма», Ф.Жаҳонгирова ва И.Исломиддинов пьесаси асосида сахналаштирилган «Тўлин ой», Шухратнинг «Она қизим» каби кўплаб мусиқали драмалари томошабинлар эътиборини қозонган.

Кейинги йилларда Сайфи Жалил «Юлдузлар жамоаси», «Кампир кетармиш», «Заҳарли ҳаёт» мусиқали драмалари, шунингдек, «Муҳаббатнома» балетини, Уйғун либреттоси асосида «Зебуннисо», Туроб Тўла либреттоси билан «Маликаи айёр» операларини яратиб, ўзбек мусиқа маданияти равақига муносиб ҳисса қўшди.

Ўзбекистон халқ артисти Турғун Алиматов танбурда ижро этган «Қалбимда» куйини билмаган, куйнинг нозик наволаридан завқланмаган кишини учратмаймиз. Устоз ижод қилиш билан бир қаторда, ўз билим ва тажрибаларини Ўзбекистон давлат консерваторияси талабаларига ўргатмоқдалар.

Ўзбекистон халқ артисти, Ҳамза номидаги Давлат мукофоти совриндори Сайфи Жалил ижоди ҳақида кўп ёзиш мумкин. Зеро, у оҳанглар оламининг мафтунни, бутун ҳаётини мусиқасиз тасаввур эта олмайди.

Рустам ХҲЖАЕВ



Фотосурат муаллифи Владимир ГРАНКИН.

Эркин ВОҲИДОВ,
Ўзбекистон халқ шоири

Ҳар замоннинг ўз муҳри бор...

XX аср 50-йилларининг ўрталарига келиб, биз мактабни битириб, институтга қадам қўйган йилларда собиқ Совет Иттифоқида шахсга сизиниш қораланиб, демократия шабадалари эса бошлаган эди. Ўша вақтда яратилган асарларнинг аксарияти ўта мафкуралашган, шўро давлати, партиянинг зафарини улуғлашдан иборат эди. Адабиётнинг вазифаси фақат патриотизмни улуғлаш, «янги совет одамни тарбиялаш» деган фикр қатъий қарор топган эди. Ҳозир айтсам, баъзи ёшлар ишонмаслиги мумкин. Шеърнинг минг йиллик мавзуси — муҳаббат мавзуси ҳам бир чеккага суриб қўйилган, ҳаттоки қораланган эди. Гўёки, муҳаббат мавзуси совет кишисини катта мақсадлардан чалғитиб, фикрини бошқа ёққа буради.

Эсимда бор, ўша вақтда газетада Асқад Мухторнинг бир шеъри босилган эди. Унинг мазмуни шундай: бир йигит ўз терим машинасига бўр билан ёзилган «Мен сизни яхши кўраман» деган сўзни ўқийди ва хаёлидан ширин ўйлар ўтади. «Салимасимикан, Халимасимикан, Халима бўлса қошқийди...» деган сўз билан тугайди шеър. Бу лирик шеър севги мавзуси қатагон бўлган даврда бир портлашдек жаранглаган ва катта баҳсларга сабаб бўлган эди. Танқидчилар охири асосий гоёси агар ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлса севги ҳақида шеър ёзиш мумкин, деган хулосага келдилар. «Мен сизни яхши кўраман», «Мен сизни севаман» деган сўз терим машинасининг бункерига ёзилганлиги учун, яъни ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлганлиги учун бу шеър мақбул деб топилди. Бу кулгили воқеа эди. Лекин бўлиб ўтган бундай баҳс ўша вақтда нормал ҳисобланарди.

Адабиётда миллийлик масаласига ҳам муносабат худди шундай эди. Миллий туйғунинг ҳар қандай кўриниши миллатчилик деб ҳисобланарди. Ягона совет оиласидан ташқари бирор ўй, бирор хаёл замон мафкурасининг қуюшқонига сизмас эди. Шахсга сизиниш қоралангандан сўнг жамиятда пайдо бўлган илк демократик жараёнлар шу қуюшқондан озроқ бўлса-да чиқиш имкониятини берди.

60-йилларнинг ўртасига келиб, «Догистоним»га ўхшаган асарлар пайдо бўла бошлади. Ушбу асар Доғистон шоири Расул Ҳамзатов томонидан ёзилган ва Доғистон Россия таркибидаги кичкина тоғлик ўлка бўлгани сабабли ўша замон цензурасининг қатагонига учрамади. Бундай асарнинг Совет Иттифоқи учун стратегик жиҳатдан муҳим ва ўз тарихига эга бўлган Ўзбекистон каби мамлакатда ёзилиши ҳам, чоп этилиши ҳам мумкин эмас эди. Шунинг учун ҳам ушбу асарнинг ўзбек тилига таржима қилиниши, шубҳасиз, «юқори»нинг газабига сабаб бўлди. Ўша пайтда «Гулистон» журналида Алихонтўра Соғуний таржимасида «Темур тузуклари»нинг эълон қилиниши, сўнгра «Ёшлик девони»дан бир туркум газалларнинг чоп этилиши ва булар орасида «Ўзбегим» шеърининг борлиги ва, ниҳоят, «Догистоним»нинг ўзбек тилида нашр этила бошланиши раҳбарларнинг сабр косасини тўлдирди. Журнал бош муҳаррири Иброҳим Раҳим ва бир қанча адабий ходимлар ишдан олиндилар. Аслида бугунги кўз билан қараганда, «Догистоним»да катта бир революцион гоё йўқ. Бу асарнинг мазмуни бир оғиз сўз билан айтилганда, Совет Иттифоқининг буюклигини тан олган ҳолда менинг ҳам кичик бир юртим бор, дунё минбариди янграмаса ҳам она тилим бор, мен шу юртимнинг тоғларини, ўз элимнинг урф-одатларини яхши кўраман, деган сўз, холос. Агар бугун бу асар қайта ўқилса, ҳатто совет жамиятини улуғлаган бир асар сифатида қабул қилиниши ва ҳозирги ўқувчининг эътирозига сабаб бўлиши мумкин.

Хулоса қилиб шуни айтмоқчиманки, ҳар бир замон киши онгида ўз муҳрини қолдиради. Менинг бугунги замондошларим нафақат 60-йиллардаги, балки ўн йил илгариги одамлар эмас. Лекин мен истардимки, ҳар бир инсон ўз мамлакати босиб ўтган йўлни, фикрий тараққиётни англасса, хулосалар чиқариб яшаса. Шу мақсад билан сизнинг эътиборингизга «Догистоним»дан айрим парчаларни ҳавола қилмоқчиман.



Догистонлик

Адабиётда ҳам шундай бўлиши керак. Адабиётнинг манбаи — она диёр, она халқ, она тил. Лекин ҳақиқий ёзувчининг онги букун ўз миллий доирасидан анча кенг. Унинг онгида, унинг қалбида умуминсоний ўйлар ва туйғулар туғён қилади.

*Йўлга чиққан ҳар одам
Қуруқ чиқмас бегумон.
Нон олади, шароб ҳам.
Аммо азиз эй меҳмон,
Тоғларга йўл тутсанг гар
Кел хуржинни тўлдирмай.
Тоғ дилбари нон ёнар,
Тоғ йигити тутар май.
Йўлга чиққан ҳар одам
Қуруқ чиқмас бегумон.
Олар ўткир ханжар ҳам.
Аммо азиз эй меҳмон,
Ханжар тутма қўлингга,
Ханжар сенга на даркор?
Душман чикса йўлингга
Бил, тоғликда ханжар бор.
Йўлга чиққан ҳар одам
Қуруқ чиқмас бегумон.
Олар йўлга қўшиқ ҳам.
Эшит, азиз эй меҳмон
Соз қўшиққа бой бу эл,
Куйлар бизда кўп, аммо —
Қўшигингни олиб кел,
Қўшиқ керак доимо.*

Ёзувчи — ҳақими хозик. У халқнинг асрлар давомида фойдаланган гиёҳлари, дори-дармонларидан ҳам, жаҳоний илмнинг энг сўнгги кашфиёти бўлган муолажа воситаларидан ҳам баҳраманд бўлмоғи керак.

Ёзувчи — сафарга чиққан йўлчи. У ўзга юртларга йўл олар экан, қалбида ўз диёрининг қўшиқларини олиб бормоғи ва, шу билан бирга, юрагидан ўзга халқнинг қўшиқларига ҳам жой топтоғи керак.

Бир халқ уни кузатади, бошқа халқ қаршилайди. Аммо ҳар бир халқнинг ўз кўшиғи бор. Овулларимизга дастлаб лекторлар, докладчилар келган пайтларда Келаб овулида хотинлар номаҳрам ўзимизни кўрмасин, деб саҳнага орқа қилиб ўтиришар эди. Лектордан кейин саҳнага хонанда чиқиб қўшиқ бошлагач, ҳалиги хотинлар қўшиққа ҳурмат юзасидан ўнглиниб ўтиришар, ҳатто юзларидан ниқобни ҳам олишар эди.

Онам бешигим устида айтган қўшиқ бирор кун, бирор лаҳза қулгоғимдан нари кетмайди. Бу қўшиқ ҳамма қўшиқларимнинг бешиғи. Бу қўшиқ мен ҳорғин бошимни кўйгучи ёстигим, мени жаҳон бўйлаб кездиргучи аргумоғим. Бу қўшиқ ташна лабларим интилган чашмам, менинг вужудимга ҳарорат бергучи ўчоғим.

Лекин шу билан бирга Шукум деган болага ўхшамоқчи ҳам эмасман. Шукум деган бола тайлоқдай бўлиб онасини эмар экан. Бунақа болаларни бизда «хўкиз гавда, бузоқ фаҳм» дейишади.

Бизнинг давримизда нима кўп — анкета кўп. Умрим давомида неча юзлаб анкета тўлдирганман. Лекин бирорта анкетада «Ватанингни севасанми» деган савол йўқ.

Анкетага «СССР гражданиман» деб ёзишни ўзи етмайди, граҳдан бўлиш керак. Анкетага «КПСС аъзосиман» деб ёзиш камлик қилади, КПСС аъзоси бўлиш керак. «Она тилим — аварча» деб ёзишнинг ўзи оз, бу тил онадай азиз ва муқаддас бўлмоғи керак. Мард бўлиб, она тилга содиқ қолмоқ керак.

Турли эл ўғлонлари, менинг уйимда меҳмон бўлинг. Ўз қўшиқларингизни олиб келинг. Ака бўлиб, сингил бўлиб келинг. Қалбимда ҳаммангизга ўрин бор.

Илгарилари Хунзахга қайтган йигит бошқа миллат қизини отига мингаштириб келса, одамлар унга нафрат билан қарар эдилар. Ҳозир бунга ўрганиб қолишган. Авар йигитининг бошқа халқ қизларига уйланиши бугун айб эмас. Фақат битта никоҳ, яъни севгисиз никоҳ айб саналади.

Гулдаста қанча кўп хил гулдан йиғилса, шунча чиройли бўлади. Юлдуз қанча кўп бўлса, осмон шунча ёруғ бўлади. Камалак оламда бор бўлган ҳамма нурларни ўзига жамлагани билан гўзал.

Африкада мен ажойиб бир гулни кўрдим. Унинг ҳар бир гулбарги ўзгача рангда, ўзгача бўй таратади. Бундай қараганда тайёр гулдастанинг ўзи, лекин у битта гул.

Истардимки, аварча ёзилган бу китобим ўша ажойиб Африка гулига ўхшасин. Ҳар бир халқ ундан ўзига яқин, кўнглига манзур рангни топа олсин.

Китоб ёзиш учун нима керак бўлса, ҳаммаси менинг қошимда. Кубачининг устасидай ҳамма ускунаму муҳайё. Устанинг олдида қумуш, тилла, аррача, болғача, андазалар туради. Менинг олдимда — она тилим, ҳаётий тажрибам, одамлар сиймоси, табиат, қўшиқлар оҳанги, тарих мактаби, келажак туйғуси, севгим, юртим жамоли, отам хотираси, халқимнинг кечаги кун ва эртаси... булар менинг тилларим. Аммо менинг қўлим ҳам олтинмикан? Иқтидорим ва қобилиятим етармикан?

Қандай қилсам қўшиқларим сизга қафтдан учирилган қушдай ётиб боради. Қандай қилсам, қўшиқларим қалбингизга ўз уйига киргандай кириб боради, кўнглингизни севги ва севинчга тўлдирари?

Ускуналаримни яна бир бор кўздан кечираман.

Дейдиларки, оти йўқ йигитнинг хотини талоқ бўлсин.

Яна дейдиларки, отга урадиган эгари, савайдиган қалчиси бўлмаган йигитнинг ҳам хотини талоқ бўлсин.

Дейдиларки, бургутга хашак, эшакка гўшт берманг.

Дейдиларки, девори бақувват бўлмаса, келишган иморатлар ҳам йиқилади.

Дейдиларки, товук тушида бургут бўлганмиш, қоядан парвоз этаман деб қанотидан айрилибди.

Ирмоқча тушида дарё бўлганмиш, қумликка тошиб чиқибди-ю, ўша ернинг ўзида куриб қолибди.

ТИЛ

*Фақат йиғлар, фақат қулар чақалоқ,
Сабабин бировга айтолмас бироқ.
Аммо айтиб берар вақт келиб бир кун
Ўзи ким, дунёга келган не учун.*

Бешиқдаги ёзув

Дунёда сўз бўлмаганда, у ҳозиргидай баркамол бўлмас эди. Дунё яралишидан юз йил аввал шоир туғилган. Тилни билмай шеър ёзишга жазм қилган шоир сузишни билмай дарёга тушган тентакка ўхшайди.

Баъзилар миясига фикр келгани учун эмас, тили кичигани учун гапиришади. Баъзи шоирлар кўнглида бирор ҳис туғилгани учун эмас, балки... ким билади, нима учун шеър ёзишади? Уларнинг шеъри тери қопга солинган пуч ёнғоқдай шакиллашдан бошқага ярамайди.

Бундай одамлар бош кўтариб атрофга қарамайди. Дунёда нима гаплар бўляпти, одамлар нима билан яшаяпти, олам қандай қўшиқларга, қандай оҳанг ва куйларга қулоқ тутаяпти — бу билан уларнинг иши йўқ.

Одамзодга иккита кўз, иккита қулоқ, фақат битта тил берилган. Бир марта сўзламоқдан олдин икки марта кўрмоқ ва икки марта эшитмоқ керак.

Ўз ҳолича сўз йўқ. У ё қарғиш, ё олқиш, ё роҳат, ё азоб, ё гул, ё тупроқ, ё ҳақиқат, ё бўҳтон, ё нур, ё зулмат бўлади.

*Халқимда азалдан бор шундай масал:
Сўз билан яралган, дейдилар дунё.
Бу сўз амр эдими ва ёки қасам,
Ёки лаънатмиди, ёинки дуо?*

*Майли, дунё учун умримиз фидо,
Унинг қўсиди-чи, сонсиз жароҳат.
Шундай бир сўз беринг, лаънатми, дуо,
Ё қасам. Дунёни қутқарсин фақат.*

Менинг бир ошнам шундай дерди: айтадиган сўзимга ўзим хўжайинман. Сўзимда туриш, турмаслик ҳам ўзимнинг ишим. Балки ошнам учун бу гап кетар, лекин ёзувчи ўз сўзининг эгаси бўлмоғи керак. Лаънатнинг ҳам, қасамнинг ҳам эгаси бўлмоғи керак. Ёзувчи бир иш устида икки марта қасам ичмайди. Умуман, қасамхўрдан яхшилик чиқмайди.

Бу китобим гилам бўлса, мен уни авар тилининг рангинг ипақларидан тўқийман, китобим пўстин бўлса, мен уни она тилимнинг чайир ипи билан тикаман.

Қадимда авар тили жуда қашшоқ бўлиб, санокли сўзлардан иборат экан. Масалан, «ҳаёт», «озодлик», «мардлик», «дўстлик», «эзгулик» сингари тушунчалар битта сўз билан ифода қилинар экан. Майли, бошқалар менинг она тилимни камбағал десин, лекин мен айтмоқчи бўлган гапимни ўз тилимда айта оламан. Фикримни, ҳис-туйғуларимни ифода қилиш учун бошқа тилдан сўз қидирмайман.

Догистонда лак деган кичик бир халқ бор. Лак тилида эллик мингга яқин одам гапиради. Анигини айтиш қийин, чунки ҳали она тилини ўрганмаган гўдаклар ҳам, отасининг тилини унутган катталар ҳам бор.

Лаклар ўзи кичкина халқ бўлса ҳам уларни дунёнинг ҳамма бурчагида учратиш мумкин. Тошлоқ ернинг унумсизлиги уларнинг жаҳон бўйлаб саргардон бўлишига сабаб бўлган. Уларнинг ҳаммаси ажойиб хунарманд одамлар бўлган: бири қосиб, бири заргар, бири мисгар, бир хиллари қўшиқ айтиб дунё кезиб юрган. Догистонликларда бир гап бор: «Тарвуз сўйсанг, эҳтиёт бўлиб сўй, ичидан лак чиқиб қолмасин», дейишади.

*Дейдиларки, Москвада, Ленинградда,
хуллас, катта шаҳарлардан бирида сайр қилган бир лак Догистон кийимидеги одамга дуч келиб қолибди. Юртодини учратганидан севиниб, икки оғиз гаплашмоқчи бўлибди-да, ҳалиги догистонликнинг олдига келиб, лак тилида салом берибди. Догистонлик бош тебратиб тураверибди. Лак қўмиқча, татча, лазгича гапириб кўрибди. Лекин ҳамюрти бир оғиз сўзини ҳам тушунмабди. Охири русчага кўчишибди. Маълум бўлишича, ҳалиги догистонлик авар экан. Авар лақни сўкиб кетибди: — Аварчани билмасанг, қанақа догистонлик бўлдинг? Сен догистонлик эмас, бефаҳм туя экансан.*

Мен бу баҳсда ўз элатимни ёқламайман. Бечора лақни бунчалик хафа қилиш ноўрин. Негаки, догистонликларнинг ҳаммаси аварчани билиши шарт эмас. Муҳими — ўз она тилини билсин. Лак ҳам ўз тилини билган. Ваҳоланки, авар у тилларнинг биронтасига ҳам тушунмаган.

Абутолиб Москвада меҳмон бўлиб турган вақти экан. Бир куни кўчада ниманидир сўрамоқчи бўлиб бир йўловчини тўхтабди. Ҳарқалай, чайқов бозорини суриштирмоқчи бўлгандир. Абутолиб тўхатган ҳалиги одам инглиз экан. Москва кўчаларида чет эллик оз дейсизми. Инглиз Абутолибнинг сўзига тушунмай, олдин инглизча, кейин французча, кейин испанча, кейин немисча қилиб нима демоқчилигини сўрабди.

Абутолиб ҳам унга аввал русча, кейин лакча, кейин аварча, кейин лазгича, кейин даргинча, кейин қўмиқча қилиб тушунтирмоқчи бўлибди.


Хуллас, иккаласи ҳам бир-бирини тушунмай хайрлашибди. Бу воқеани эшитиб, инглизча тўрта сўзни биладиган ўта маданиятли бир ўртоқ Абутолибга таъна қилиб шундай дебди:

— Мана кўрдингми, Абутолиб бироз маданиятроқ бўлганимда инглиз билан гаплаша олган бўлардинг.

—Тўғри, — дебди Абутолиб — лекин инглиз маданиятли бўлса, нега мен гапирган шунча тилдан биттасини ҳам тушунмади?!



Суннатилла РИЗАЕВ (1941 йилда тугилган) — Тошкент давлат иқтисодиёт университети профессори, тилшунос.



Нозима ДЕХҚОН-ХЎЖАЕВА (1928 йилда тугилган) — тиббиёт фанлари доктори, профессор.

Мамаюр йўлбошчилар

Милоддан аввалги 480 йилнинг баҳорида Доро ўғли Кайхусрав икки қитъани туташтириб (ёки айириб) турган Хеллеспонт оралиғидан кемаларини олиб ўтиб, Оврупо қитъасини забт этишга киришди. Манбалар гувоҳлик беришича, Эрон қўшинлари сафида Осиёдаги 50 га яқин иттифоқчи ҳамда вассал давлатларнинг вакиллари бор эди. Булар орасида сўғдлар, бактрияликлар, хоразмийлар, искифлар, ҳиндлар, лубнонлик (ливиялик)лар, фригияликлар, хабашлар, парфияликлар, Қоф тоғлиқлари (кавказликлар), оссурияликлар жанговарлиги билан ажралиб турган.

Аслида Қадимий Эллада иттифоқига кирувчи Беотия, Фессалия, Лакодемон, Аргос, Коринф, Самос, Хиос, Лесбос каби кичик давлатлар ҳар йили етакчи давлат Афинага бож-хирож тўлаб турар эдилар. Афина билан Спарта ўртасидаги рақобат узоқ давом этди. Мағрур, жасур ва камтарин яшовчи Спарта аҳолиси Афина гегемонлигини ёқтирмас, аммо умумий душман бўлгани учун иттифоқчиси билан орани ҳам бузмас эди.

Афинанинг ўзида ҳам деспотияга, тиранияга қарши, демократия учун қаттиқ кураш давом этарди. Афинада демократия кучлари



ПЕРИКЛА

енгиб чиқишида буюк саркардалар — Аристид, Милтиад, Фемистокл, Ксантипп ва унинг ўғли, бўлғуси йўлбошчи Перикл катта хизматлар қилдилар.


Қадим тарихчиси Плутарх ёзишича, Перикл буюк устозлар — донишманд Зенондан баҳс-мунозара санъатини, Анаксагордан юксак фикрлашни ўрганди.

Перикл беҳуда гап айтмас, ҳар нарсага дуқулмас, найрангбозлик қилмас, гапнинг ростини айтар, камтарин яшар эди. У барча юнон давлатларининг Делос раҳбарлигидаги денгиз кучлари иттифоқини сақлашга ваъда берди. Аммо кутилмаган воқеалар унинг сиёсий қарашини ўзгартирди.

Милоддан аввалги 463 йилда Эрон ҳукмдори Ксеркс-Кайхусрав вафот этди. Тахтга унинг ўғли Артаксеркс ўтирди. У Эроннинг ички муаммоларини ҳал этиш билан шугулланди.

Артаксеркс Эроннинг ўзида махсус қўшин тўплаб, Афина ва Мисрга қарши жанг қилишга юборди. Афиналиклар ва мисрликлар 3 ой давом этган қамалдан сўнг форслардан омонлик сўрадилар. Бу жангда Афина флоти мағлубиятга учради.

Қуйи Мисрдаги мағлубиятдан хушёр тортган юнон давлатлари Афина гегемонлигини ёқтирмасалар ҳам, энди форсларга қарши навбатдаги урушда Афина етакчилигини эътироф қилдилар. Эроннинг



Йўлдош СОЛИЖОНОВ (1941 йилда туғилган) — Фаргона давлат университети доценти, филология фанлари номзоди.



ЗАМОНДОШЛАРИМИЗ



Раҳбар МУРТАЗАЕВА (1950 йилда туғилган) — тарих фанлари доктори, профессор.

янги ҳужумларини қайтариш чораларини излай бошладилар.

Ўлбошчи Перикл бунинг чорасини топди. У «Аристид ташкил этган Делос етакчилигидаги иттифоқ ўз вазифасини бажарди, эндиликда «Афина иттифоқи» тузилиб, 200 та давлатнинг маркази Афина бўлиши керак», деди. Шундай бўлди ҳам. Делосда сақланаётган умум Эллада хазиналари Афинага кўчириб келтирилди.

Янги иттифоқнинг маънавий бирлигига эришув жуда қийин кечди. Афина бошлиқ Пелопоннес иттифоқига кирган давлатлар билан Спарта иттифоқи давлатлари ўртасида яна қиргин урушлар бошланди.

Периклнинг яна бир катта иши — умум Эллада дарвозаси ҳисобланган Пирей бандаргоҳида 7 км. узунликда мустаҳкам мудофаа девори қурилишига олий ҳокимият — Беш юзлар Кенгашини ва Халқ мажлисини кўндирди. Бу улкан девор ортида сув йўлаклари — канал, наҳрлар қазилди. Ҳар қандай кучли ёв бостириб келса ҳам мудофаачилар узоқ вақтгача ўзларини қурол, кемалар ва озиқ-овқат билан таъминлаш имкониятига эга бўларди. Пирей бандаргоҳига бир вақтда 400 кемани йиғиш мумкин эди.

Йўлбошчи Периклнинг яна бир катта иши

форсларнинг навбатдаги ҳужумлари кутилаётган нозик вақтларда Спарта билан душманликни бас қилиб, бу давлат билан узоқ муддатли сулҳ тузиши бўлди. Перикл спарталиклар яхши кўрадиган саркарда Кимонни қувгинликдан чақириб олиб, шу масъул ишда элчиликни унга топширди.

Ўуюқ хизматларига қарамай Афинадан қувгин қилинган Кимон гинахонлик қилмай, ватанга манфаатли бу мушкул ишни аъло даражада удалади. Афина ва Спарта ўртасида 5 йиллик сулҳ тузилди.

Яна бир журъатли ишда Периклнинг донолиги кўринди. У Спарта билан сулҳ туза олган, лекин аристократия тарафдори, яъни ўз рақиби Кимонга кўшин бериб, уни Қибрис ороли ва Мисрда форсларга қаршилиқ қилаётган юнонларга ёрдамга юборди. Кимон бу жангларда ҳам ғолиб чиқиб, шон-шухрати ошиб кетса, ўзи сояда қолишидан кўрқмади. Чунки, унинг Ватан учун ҳалол хизмат қилишига ишонарди. Кутилгандай Кимон охири нафасигача Афина ёвларига қарши курашди. Афина денгиз иттифоқи Перикл замонида ўз тарихининг олтин даврига қадам қўйди. Бошқа юнон давлатлари (Спарта ва унинг иттифоқчиларидан ташқари) муҳим давлат ишларида, янги

қурилишларда ёки умумий душманга қарши уруш очишда Афина давлат кенгаши ва Халқ мажлисининг розилигини олиши керак эди. Инсоният тарихида ҳеч қачон Перикл замонидаги каби халқ давлатни бошқаришда бу қадар фаол қатнашмаган.

Дерикл даврида Эллада иттифоқи гуллаб-яшнади. Унинг даврида Фидий, Праксител каби меъморлар, ҳайкалтарошлар етишди. Эсхил, Софокл, Эврипид каби шоирлар, Зенон, Анаксагор, Сукрот, Афлотун каби донишмандлар, комедиянавислар, спорт ва ҳарбий санъат, турли хунарларнинг устозларига юксак даражада иззат-ҳурмат кўрсатилди. Перикл ва севгилиси — гўзалу оқила Аспазия ижодкорларни тез-тез меҳмонга чақирар эдилар.

Шоирлар, драматурглар, меъморлар, ҳайкалтарошлар Перикл даврида шундай дурдоналар, шоҳ асарлар бунёд қилдиларки, мана орадан 2500 йил ўтса ҳам, ижодкорлар улар забт этган чўққиларга қараб интиладилар.

Маҳкам МАҲМУД,
Ёвқоч ХАЙДАРОВ



Жанговар бўлининг дебачаси

Миркомил Миршаропов 1900 йил 24 декабрь куни Авлиёотада дунёга келган. Миллати ўзбек. 9 ёшида отасидан етим қолиб, онаси қўлида тарбия топган. Рус-тузем мактабининг 4-синфини тугатган. 1914-1917 йилларда Авлиёотада дастлаб Мирсоат Миршаропов қўлида отбоқар, кучер, приказчик бўлиб ишлаган. 1917-1918 йилларда эса Тошкентга кўчиб келиб, Тошпўлат Исломов деган кишининг қўлида приказчик фаолиятини давом эттирган. 1918 йил апрелида Қизил Армия сафига кўнгиллилар қатори кирган. Шу йил Тошкентда Эски шаҳар партия дружинасига командир этиб тайинланган ва 1919 йил январидида Осипов кўзғолонини бостиришда ўз дружинаси билан иштирок этган. 1920 йили 8 ойлик курсларни тугатгандан сўнг унинг фаол жанговар ҳаёти бошланган.

М. Миршаропов ўша йилнинг 15 августидан бошлаб Хоразм отлик аскарлар полкининг командири сифатида Ўрта Осиё темир йўлининг Орол бекатидан Челкаргача бўлган ҳудудда Жунаидхоннинг яхши қуролланган қўшинига қарши жанг олиб боради. Биринчи марта Илёна деган жойда оёқдан яраланади, иккинчи марта эса бошига ўқ тегади. Шунга қарамай ёш қўмондон жанговар сафда қолиб, ўзининг мардона характерини намойиш этади.

У орадан роппа-роса бир йил ўтгач, 1921 йил 15 августда Хоразм Халқ Республикаси Инқилобий ҳарбий кенгаши раиси ва ҳарбий нозири этиб тайинланади. Хоразм Халқ Республикаси тугатилгач, Миркомил Миршаропов 1925 йилнинг декабрида Москвага, Фрунзе номидаги Ҳарбий академияга ўқишга юборилди. У ўқишни тугатган кунининг эртасигаёқ, яъни 1929 йил 16 июнида ўзбек отлик аскарлар полкига қўмондон этиб тайинланади. Орадан икки ой ўтгач, у

айни пайтда мазкур полкнинг комиссари этиб ҳам белгиланади.

«Атгәстация»

Ўзбек отлик аскарлари полки командири Миршаропов Миркомилга — 1931 йил учун (1929 йил 16 июлдан)

“Ўр. Миршаропов Ҳарбий академияни тугатгунига қадар пиёда қисмларда оз ишлаган ва амалий командирлик тажрибаси бўлмаган. Шунинг учун ҳам Академияда олинган мустаҳкам назарий тайёргарликнинг мавжудлигига қарамай, полкка командирлик қилган биринчи йили ўр. Миршароповнинг ҳарбий билими билан амалий ишлари ажралиб турди... Ўр. Миршаропов ўз устида қаттиқ ишлаши орқасида кўп нарсага эришди, полкка икки йил давомида командирлик қилиши ва у амалга оширган 3 жанговар сафар унинг қисм жанговар тайёргарлиги устида ишлаш тажрибасини узил-кесил мустаҳкамлади.

Ўр. Миршаропов кенг сиёсий қарашларга эга бўлгани учун сиёсий масалаларни тўғри ҳал этади.

Ўр. Миршароповнинг шахсий хислатлари: ўзини ҳаддан зиёд ҳурмат қилиш, катта қатъият, олиб бораётган ишини тўла қамраб олишга интилишдир. 3 жиддий жанговар сафарда иштирок этиш унга жанговар шароитда полкка раҳбарлик қилиш тажрибасини берди, айна пайтда у бу тажрибани ўз вақтида янада мустаҳкамлай олди. Бу ҳол 1931 йил кузидаги сафар вақтида полкнинг фавқулодда яхши иши билан ўз тасдиғини топди...

У К-10 бригадаси командири лавозимига кўтарилиши мумкин.

Ўзбек отлик аскарлар бригадаси командири

Ив. Петров.
1931 йил 24 октябрь”

1931 йилнинг кузи

Иван Петров жанговар ҳаётини Ўзбекистонда бошлаган машҳур рус саркардаларидан бири бўлиб, Иккинчи жаҳон уруши йилларидаги жанговар операциялари билан, айнқса, шуҳрат қозонган. У урушдан кейинги йилларда армия генерали лавозимида Туркистон Ҳарбий округига узоқ йиллар мобайнида қўмондонлик қилган. И.Петров тилга олган 1931 йилнинг кузидаги жанговар сафар 23 август куни бошланиб 25 октябрга қадар Туркменистон ҳудудида давом этган. Ушбу жанговар операция гарчанд атгәстацияда кузги сафар сифатида тилга олинган бўлса-да, у авжи саратон кунларида бошлангани, бунинг устига, Қорақум саҳросида амалга оширилгани учун ниҳоятда оғир кечган. Аскарлар айрим жойларда Қорақум бўйлаб 75 километрлаб йўлни от ва туяларда босиб ўтганлар. Қудуқлар бор жойда қудуқ сувидан истеъмол қилганлар. Аммо ҳамма қудуқлардаги сув ҳам ичишга яроқли бўлмаган.

М.Миршароповнинг ушбу сафарга оид ёзувларида бундай сўзларни ўқиймиз:

“10.9.31. — соат 18. Полк Ўрта Игдидаги 4-қудуққа етиб келди...”

Сахро бўйлаб 75 км. йўлни босиб ўтиб, икки соатга тўхтадик. Йўл чуқур қумлар ва довонлардан иборат. Саксовул кўп. Ўрта Игдидан 8-10 км. ғарбда бузилган қабристон, пастроқда эса кўл (шўр) бор. Ўрта Игдида 3 та қудуқ бор. Яна биттасини қазидик. Бир қудуқдаги сув сучук, бошқаларидагиси эса шўр (ичса бўлади). Ўрта Игдидаги чуқур котлованда ўсимликлар, пастда эса кўл бор...”

“12.9.31. — соат 18. Полк Оқяйладаги 5-қудуққа соат 7 да етиб келди. Йўл чуқур қумлик ва барханлар оша ўтган. Оқяйладан 56 км. шарқда 2 та қудуқ бор. Улардаги сувни ичиб бўлмайди. Оқяйлада ёмғир сувининг

Наим КАРИМОВ

Ўзбек дивизиясининг
туғатилушу

заҳираси бор (25000-30000 челакча). Оқяйла очик майдонда жойлашган бўлиб, бир оз чуқурликда ёмғир суви тўпланган. Оқяйладан 5-6 км. ғарбда самолёт қўниши учун яхшигина майдон бор (800x600)...”

Полк ана шундай мураккаб шароитда ўнлаб километр масофани босиб ўтиб, ўз олдида қўйилган жанговар вазифани бажаришга ҳаракат қилди. Шундай пайтларда нафақат аскарлар, ҳатто отлар ҳам сувсизликдан ғоятда қийналдилар. Сув уларга баъзан самолёт орқали етказилиб турди. Шунга қарамай, М.Миршаропов раҳбарлигидаги полк доимо жанговар ҳолатда бўлди.

Эътироф этилган кўмондон

М.Миршаропов жанговар йўлнинг ана шундай машаққатли манзилларидан ўтиб, 19-тоғли отлик ўзбек дивизиясининг кўмондони даражасига кўтарилди ҳамда шу лавозимда халқ ва армия ўртасида катта шухрат қозонди. У кўмондон бўлган дивизиянинг тантанали йиғинларида саркарда шарафига басталанган «Миршаропов марши» ижро этиладиган бўлди. Миркомил Миршаропов том маънода ўзбек халқи орасидан етишиб чиққан истеъдодли саркарда даражасига эришди.

Ўзбекистон шу йилларда Файзулла Хўжаев ва Акмал Икромов раҳбарлигида халқ хўжалиги, фан ва маданият соҳасида муайян ютуқларга эришган, бу раҳбарларнинг эл-юрт ўртасидаги обрў-эътибори эса кундан-кунга ортиб бораётган эди. Уларнинг яхши шаклланиб бораётган ўзбек дивизиясига орқа қилиб, СССР Конституциясида белгиланган мустақилликни талаб этиши ҳеч гап эмас эди. Шунинг учун ҳам М.Миршаропов 1935 йили ўзбек дивизиясидан Мўғилистон Ҳарбий вазирлигига ҳарбий маслаҳатчи сифатида юборилди. Ўзининг жанговар тажрибасини ошириш ва ўзбек тоғли отлик аскарлар дивизиясини янада шакллантириш орзуси билан яшаган М.Миршаропов СССР мудофаа халқ комиссари К.Е.Ворошиловга мурожаат этиб, ундан Ўзбекистонга қайтариб юборишини сўради. Аммо мудофаа халқ комиссарининг буйруғи билан у 1936 йил 11 майда эндигина тузилаётган Шимолий Кавказ тоғли халқлари алоҳида отлик аскарлар бригадасига командир-комиссар этиб тайинланди.

М.Миршаропов беш ой ичида Шимолий Кавказдаги Доғистон, Кабардин-Болқор, Шимолий Осетин, Чечен-Ингуш автоном республикалари, шунингдек, Қорачой ва Черкесск автоном вилоятларида яшовчи, 11 тилда сўзлашувчи 26 миллат ва элатга мансуб аскарларни ўз таркибига олган янги бригадани шакллантирди.

Ёш кўмондон ўз олдига қўйилган вазифани қисқа муддатда қанчалик муваффақиятли бажарганига қарамай, 1937 йил 23 июнь куни Майкоп шаҳридан яна Ворошилов номига «ўртоқлик хат»ини йўллаб, ундан она юртига хизматга юборишини сўради. Аммо орадан кўп вақт ўтмай, 1937 йил 28 октябрда М.Миршаропов НКВДнинг Азов-Қора денгиз ўлкаси бошқармаси томонидан қамоққа олиниб, махсус поезднинг панжарали купесида этап билан Тошкентга олиб келинди.

«Фавқулодда ҳодиса»

Баён этилаётган воқеалардан икки йил аввал М.Миршаропов кўмондонлик қилган 19-дивизиянинг Фафуров ва Ҳошимов фамилияли икки аскари 1937 йилнинг қиш ойларида ичига сим тикилган конфетни отга бериб, уни ўлдирмоқчи бўлишган. НКВДга ёлланган аскарлардан бири бундан дарак топиб, 19-дивизия ҳузуридаги НКВД махсус бўлими вакилига бу «фавқулодда ҳодиса»ни хабар қилади. Хуллас, кўп ўтмай, дивизияда

рўй берган «фавқулодда ҳодиса» хабари НКВД махсус бўлим бошлиғи Мишковскийга етиб келади.

Сўнги манба Мишковскийга оддий аскар Фафуровнинг ўзига биркитилган отни ёмон кўргани учун уни ўлдириб, бошқа отни олмақчи бўлганини айтган. Аммо Мишковский махсус бўлим вакилини жеркиб, «Сен қанақа чекистсан ўзи! Ҳар қандай аҳмоқона гапларга ҳам ишонаверасанми?! Бу уюшган зараркунандачилик. Шубҳасиз, бу ерда катта бир гуруҳ бор!» — деган. Хуллас, баҳонаталаб замон эмасми, НКВДнинг 19-дивизия ҳузуридаги махсус бўлими дивизиядаги аксилинқилобий миллатчилик ташкилотини фош этиш ишларини шошилч равишда бошлаб юборди.

Дивизия қошидаги махсус бўлимнинг собиқ ходими А.Я.Карпачевский 1939 йил 15 октябрда бўлиб ўтган сўроқ пайтида бундай кўргазма берган:

«Мен тергов ишига алоқадор шахсларга карточка тўлдирар ҳамда айбланувчилар ва гувоҳларнинг сўроқ баённомаларидан кимнинг қандай кўргазма берганини кўчириб ёзар эдим. Бундан ташқари, кўпинча Мишковскийнинг фармойишига кўра, баъзи ҳолларда шахсан у ёки Амбарцумян ва бошқалар билан бирга айбланувчиларни тунда жазолаш мақсадида тайёрланган зах, сиймон полли камерага олиб борар эдим... Мишковский бу камерада айбланувчилар кўлига ҳар доим кишан солар (унинг ёзув столида ҳамма бир жуфт кишан тайёр турарди) ёки маҳбусларни кишанлашни бизга топширар эди.

Агар айбланувчи сўроққа камерадан чақирилган бўлса, дивизиянинг махсус хонасида бир неча кун қолиб кетар эди... Мишковский чиқарган буйруққа кўра, айбланувчининг ўтириб-ётишига рухсат берилмаган. Агар айбланувчи 6 суткадан 10-12 суткагача бўлган даврда кўргазма бермаса ёки талаб этилмаган нарсани ёзиб берса, Мишковский уни ўзининг хонасига олиб кетар ёки бу ишни Васильевга топширар эди. Баъзан улар уйқусизликдан мадорсизланган айбланувчиларни биргалашиб уришар ва шундай йўл билан улардан керакли кўргазмани олишар эди. Агар айбланувчи кўргазма бермай, ўз қарорида қатъий турса, Мишковский Васильев билан бирга уни юқорида эслатганим сиймон камерага олиб бориб, айбланувчини қамчи билан уришар ва уни камерада кишанланган ҳолда тун бўйи қолдиришар эди. Бу усулга дош бериб, кўргазма бермаган одам зоти бўлмаган».

НКВДнинг Карпачевский кўргазмасида тилга олинган икки ходими қиш чилласида аскарлар устига шлангдан сув сепиб, калтаклаб, суткалаб терговхонада турғизиб қўйиб, ўзларига керакли маълумотни олишга эришарди. Аскарлар қийноқ орқасида дивизияда аксилинқилобий миллатчилик ва ҳатто кўзғолончилик ташкилотининг борлигини «тан олиб», бу ташкилотга гўё аъзо бўлган дўстлари ва командирлари номини айтиб берадилар. Шу тарзда 1937 йил мартдан 1938 йил ноябрига қадар бўлган муддатда дивизиянинг барча кўзга кўринган ас-



Миркомил Миршаропов - ўзбек миллий дивизияси бошлиғи.

кар ва командирлари қамоққа олинади. 16 киши, шу жумладан, Миркомил Миршаропов ва бошқа кўмондонлар 1938 йил 4 октябрда Тошкентнинг Юнусобод туманидаги қатлгоҳларнинг бирида зудлик билан отиб ташланади. Қолганларига эса турли муддатли қамоқ жазolari берилади. Шу тарзда ўзбек халқининг ифтихори бўлган 19-тоғли отлик аскарлар дивизияси шафқатсизларча тугатилади ва тарқатиб юборилади.

Сўнги ўрнида

Миркомил Миршаропов тўғрисидаги хотираларда унинг нафақат истеъдодли кўмондон, балки жасур, мард ва матонатли инсон бўлгани ҳам айтилади. Аммо у 1937 йил 16 ноябрда Ўзбекистон ССР Ички ишлар халқ комиссари Апресян номига ёзган аризаси 1921 йилдан бошлаб аксилинқилобий миллатчилик ташкилотининг аъзоси бўлгани ва фаолияти давомида советларга қарши онгли равишда иш олиб борганини айтган. Қўлимиздаги узук-юлуқ ёзма кўргазмаларида ҳам шу руҳдаги маълумотлар мавжуд.

Миркомил Миршароповнинг 1921 йилдан бошлаб совет давлатига қарши онгли равишда иш олиб борганлиги ҳақидаги кўргазмалари мислсиз қийноқлар орқасида ёзилгани шубҳа уйғотмайди. Қийноқ ва азоблардан силласи қуриган саркарда, эҳтимол, тезроқ отиб ташлашларига умид қилиб, бундай ариза ва кўргазмаларни ёзгандир.

Аммо шуниси ҳам борки, Миркомил Миршаропов жанговар ҳаётининг «босмачи»ларга қарши кураш даврига назар ташласак, унинг миллий озодлик йўлида фаолият кўрсатган бу ватандошларига хайрихоҳ бўлгани ва уларни мумкин қадар омон сақлаб қолишга ҳаракат қилганини кўрамиз.

Миркомил Миршаропов ўз ватанининг мустамлакачилик кишанларига тобора ўралиб бораётгани, халқининг эса кулларча меҳнат қилаётганини кўрган зукко саркарда эди. Шунинг учун ҳам у Ўзбекистонда миллий кадрлардан иборат армияни тузмоқчи бўлган ва бунга қисман эришган. Балки Миркомил Миршаропов ҳаётининг ана шу юлдузли соатида унинг хуррият ва мустақиллик ҳақидаги орзуси яшириниб ётгандир.

Юрак — қиёен йўқ соф адабиёт

Кимларнинг хаёли, ўйи ихтиро,
Сен ҳали ўзингни тополганинг йўқ.
Ногаҳон шуларни сездинг-у, аммо
Нашъали сўзингни тополганинг йўқ.

Маъни ахтаради дунёни кезиб,
Негадир қалбига боқмас одамзот.
Бир қарасанг оддий, бирда кўп тилсим,
Юрак — қиёси йўқ соф адабиёт.

Кўнгил бу — оламни ёритар машъал,
Сирлари самога бўйлаган терак.
Англадим, дунёни билишдан аввал
Ўзимни кашф этиб олмогим керак.

Иқроф

Кундузлар сарсонман, тунларим
бедор,
Мен қадрни арзонман, гамлардан
безор.

Фақат яшайман кўкка талпиниб,
Чумолидек бефарқ, қулдек беозор.

Гулдек кўнгил ёниб қулга айланса,
Кўкдаги парирўй офтобга не гам?!
Умрим чархпалаги ўннга айланса,
Бир қуни моҳтобга айлангум мен ҳам.

Гулбаҳор
ОРТИҚҲҲҲАЕВА



Ватан деб устида ўтирганимиз оддий бир тупроқ эмас-
дир. Ватан, миллий маданият деган нарса шундайки,
устида ўтирганимиз тупроқ унинг ёпинчиғидир. Ва у ёпин-
чиқ бўлганлиги учун ҳам муқаддасдир.

Зиё Кўкалп
(турк файласуфи)

Бизга ота-оналар, болалар, яқин хеш-ақраболар қим-
матлидир, лекин муҳаббат бобидаги барча тасаввурла-
римиз биргина «Ватан» деган сўзда мужассамлашган. Ва-
танга нафи теккудек бўлса, қайси виждонли одам унинг
учун жон бермоққа иккиланар экан?!

Цицерон
(Рим файласуфи)

Маърифатли халқларнинг ҳақиқий жасорати Ватан
йўлида қурбон бўлишга ҳозир эканликларида акс
этади.

Г.Гегел
(немис файласуфи)

Энг мақбул фазилят — Ватанга ва одамзотга кўрсатил-
ган хизматдир.

Ж.Делил
(француз шоири)

Кимки ўз юртини севмаса, у ҳеч нарсани сева олмайди.

Ж.Байрон
(инглиз шоири)




Фотосурат муаллифи Тургунбек Маҳкамов.

Таъзим




ХОТИРА ХИЕБОНИ
ҚИРОМОН ҚАВМОНЕ ТУНДОИ ТУРА
ҚИЛОҚИЛА ҚАВМОН ҚИРОМОНЕ ҚАВМОН
ҚИРОМОН ҚАВМОН ҚАВМОН ҚИРОМОН
ҚИРОМОН ҚИРОМОН ҚИРОМОН



Фотосуратлар муаллифи
Абдугани ЖУМАЕВ





*Аёл кўллари
мўъжиза яратади*

Фотосуратлар муаллифи В. Гранкин.

АЁЛ ҚҮЛЛАРИ МЎЪЖИЗА ЯРАТАДИ

Зардўз Башоратхон билан танишувимиз кутилмаганда бўлган. Ўтган йилнинг кузида рангтасвир, графика ва зардўзлик йўналиши бўйича ўтказилган «Биз ижодкор оиламиз» кўргазмасининг очилиш маросимида бораётим, халқ амалий санъати музейи манзили қаердалигини ёнимдан шошиб ўтиб кетаётган аёлдан сўрадим.

— Кўргазманинг очилишига кетаяписизми, юраверинг, мен ҳам ўша ёққа, — деди ҳамроҳим жилмайиб. — Кўргазма ўтказиш шунчалар оғир деб ҳеч ўйламагандим. Иш билан бир жойга ўтгандим, кеч қолиб кетдим.

— Бутун оилангиз билан ижод кишилари экансизлар-да. Сизга ҳавасим келяпти, — дедим мен.

— Аёл қўллари ҳар ишга қодир. Аёл қўллари мўъжиза яратади!

У бу сўзларни менга айтдим, ўз-ўзига, англамадим. Фақат унинг юзидаги самимият ва кўтаринкилик менга ҳам кўчди.

Кўргазманинг очилишига жуда кўп одам йиғилган эди. Илём ака ва Башоратхонларнинг фарзандлари Камола ҳамда Жавоҳир Алишер Навоий номидаги республика нафис санъат ихтисослашган мактаб-интернатида таҳсил олишаётгани туфайли кўргазмани мактаб директори Сўлмас Султонов очди. Музей залларини айланиб ижодкорлар ишлари билан танишар эканман, Камола ва Жавоҳирнинг келажакда моҳир рассомлар бўлиб етишишига имоним комил бўлди. Сўнг оила бекаси Башоратхоннинг зардўзлик ишлари қошида узоқ туриб қолдим.

Хаёлга чўмганча Башоратхоннинг ишларини кузатаман. Зардўзлик ҳам ҳунар, ҳам санъат дейман ўз-ўзимча. Унинг «Зарафшон» асари зардўзликнинг тўла заминдўзи услубида ишланган бўлиб, Зарафшон дарёси тўлини ой оғушида уйкуга кетган малак сиймосида жонлантирилган. Ватаннинг ирмоқлари, жилғалари, сойлари — ҳаммаси кўшилиб Зарафшон дарёси бўлиб оқади. «Чархпалак» асари зардўзликнинг гулдўзи ва заминдўзи услубида яратилган.

Башоратхон Аноркулова айни кунларда ижоддагина эмас, жамоат ишларида ҳам фаоллик кўрсатмоқда. У Ўзбекистон Бадий Академияси маҳсус жамғармаси ва бошқа идораларнинг қўллаб-қувватлаши туфайли «Жавоҳир» номли ўқув маркази очишга муваффақ бўлди.

Ўз меҳнати билан элда эъзоз ва эътибор топаётган моҳир зардўз қалбади орзулар рўёбга чиқаверсин.

МОҲИНУР

Сўз ортидаги тарих



Этимологик таҳлил билан топонимларнинг этимон (илк шакли ва илк маъно)ларини топишга ҳаракат қилинади. Қуйида биз бу таҳлилни баъзи туркий топонимлар мисолида кўриб чиқамиз.

Жалолқудук — Андижон вилоятидаги аҳоли пунктнинг номи. Географик жойлашув нуктаи назаридан ёндашилса, ушбу топоним бошқа топонимик объектларга қараганда нисбатан пастликда жойлашган. Мазкур жой номи икки ўзақ морфемадан ташкил толган. Бу — **Жалол** ва **қудук** (сўзлари) ўзақларидир. Биринчи маъноли бўлак бир қараганда киши исмини англатади ва ҳатто, киши исмларидан бири сифатида қайд қилинган ҳам.

Топоним таркибидаги биринчи морфемани киши исмига тақаб қўйиш бу топонимда ўринли эмас. Бунинг учун жой номининг иккинчи маъноли бўлагини ҳам таҳлил қилиш зарур. **Қудук** сўзи топонимнинг иккинчи морфемаси бўлиб, туркий сўзлар жумласига киради. Қудук икки маънода қайд қилинган: а) чўлларда сувсизликдан қутилиш учун қазилган қудук; б) ер ости сувлари мўл бўлгани учун чуқурлик қазилганда тезда сув чиқиб кетадиган ерларни ҳам рамзий маънода қудук деб аташ аҳоли нутқида хос хусусиятдир.

Ушбу икки ҳолдан сўнггиси бизнинг таҳлилимизга керак бўлган далил. Сабаби, топоним объекти қўйиликда, нисбатан пастликда жойлашган. Демак, ер ости сувлари баландликларга нисбатан бу ерда кўпроқ бўлади, зарур ҳолларда қудук қазиб, сув олиш ҳам мумкин. Ер ости сувларининг бундай тез чиқиши учун маълум сабаблар ҳам бўлиши керак. Туб аҳоли вакилларининг қайд этишича, ушбу жойда тез-тез жала ёғиб, керагидан ортиқ сув йиғилиб турган. Маълум вақтдан сўнг бу сувлар ерга сингиб кетган ҳамда муайян қисми оқиб кетган. Бу ҳол Жалол сўзининг олдин жала тарзида қўлланганини асослайди. (Жалол сўзи кишилар нутқида олдин **жала** тарзида қўлланилган). **Жала** сўзи туркий сўзлардан биридир. Вақт ўтиши билан жала ва қудук сўзлари «серёгин жойдаги қудук» маъносини ўзида мужассамлаштирган ҳолда бирлашиб кетган. Ҳосил бўлган бирикма топонимлашув ҳодисаси туфайли жой номига кўчган: **Жалақудук**. Бунда талаффузни осонлаштириш учун икки сўз орасидаги бир «л» ундоши орттирилган: Жалолқудук. Мазкур фонетик ҳодиса икки сўз қўшилиб талаффуз этилган товуш орттирилишига хос бўлиб, шеваларда ҳам, адабий тилда ҳам учрайдиган фонетик ҳодисалардан биридир.

Жала ва **қудук** сўзлари бу топонимнинг топонимик асоси вазифасини бажарган. Топонимик аниқлагич сифатида қудук сўзи ишлатилган, аммо объектларнинг вазифаси ўзгариши билан **қудук** сўзи топонимик аниқлагич вазифасини бажармай, жала топонимик асосига бирлашиб кетган. Натижада шаҳар, туман, қишлоқ каби сўзлар бу жой номи учун топонимик аниқлагич вазифасида қўллана бошлаган. Бироқ бу сўзлар камдан-кам ҳолларда ишлатилади. Топонимнинг **Жалолқудук** ҳолатида қўлланиши кўп учрайди. Ушбу топоним учун этимон жала ва қудук сўзларининг бирлаштирувчи маъноларини, яъни «жала кўпёққани учун ер ости сувлари ер қазилганда сув тезда чиқадиган жой» маъносини англатувчи Жалақудук бирикмаси ҳисобланади.

Топонимнинг Жалолқудук бўлиб кетиши тилимиз тарихий тараққиётининг маҳсулидир. Жой номининг ҳозирги шаклига келгунча иккита фонетик ҳодиса рўй берган: а) **жала** сўзидаги «а» товушлари «о» товушига айланган; б) **жала** ҳамда **қудук** сўзлари биргаликда талаффуз қилиниши натижасида уларнинг ўртасида бир «л» ундоши орттирилган ва икки сўз қўшиб талаффуз қилиш имконияти юзага келган.

Жалолқудук жой номининг этимони **жала** ва **қудук** сўзларининг бирлаштирувчи маъноларини, яъни «жала кўпёққани учун ер ости сувлари ер қазилганда тезда чиқадиган жой» маъносини англатувчи Жалақудук бирикмаси эканлигини асословчи манбалардан бири бу географик омилдир. Ушбу топонимнинг шаклланишида қуйидаги географик омиллар етакчи восита бўлган: а) жойнинг пастликда жойлашганлиги; б) кўп вақтларда ёмғир билан бирга жала ёғиб туриши; в) ер қазилганда кўп уринмасдан сув чиқиб келиши—қудукларнинг кўплиги. Бу омиллар топонимнинг номланишида ҳам восита бўлган. Демак, Жалолқудук топоними киши исми билан боғлиқмас, балки табиий географик ҳолатларни ифодалайдиган жала ва қудук сўзларининг маъноларига боғлиқ.

Бугун истеъмолда бўлган сўзлар кўплаб тарих синовларига учраб, шаклан ва баъзида мазмунан янгиланиб келган. Бошқача айтганда, ҳар бир сўз ортида ўзига хос тарих мавжуд. Биз кўп ҳам сўзларнинг тарихи билан қизиқавермаймиз. Шунинг учун ҳам бу борада қатор чалкашликлар мавжуд. Бизга бу борада этимологик таҳлил яқиндан ёрдам беради.

Толиб ЭРНАЗАРОВ,
Ўзбекистон Миллий университети
доценти

Хадемай Бўри Қора бошқа ғалабаларни ҳам қўлга кирита бошлади: тойчоқ унинг қўлидан йўнғичқа майсасини ҳам ейдиган бўлди, қўлида тутган карсондаги сувдан-да симириди... Пироварди, ундан хайиқмайдиган бўлиб қолди.

Бўри Қора Умар синчининг маслаҳатларига амал қилиб, тойчоққа Носирни ҳам яқинлаштирмас, хотинини-ку бўлса-бўлмаса, йўлдан қайтарар эди.

Қўрага ҳам сон кирди: шунчаки-омонат бўлса, энди четанга қўшиб тутилган чий томини баланд, баҳаво қапага ўхшатиб қўйдики, Умар синчи бир келганида: «Улай агар, каттажон, шу ердан чиққим келмаяпти», деб мақтади ҳам. Тагин денг, Бўри Қора тонг сахарлари тойчоқдан хабар олганида, унинг тонгги изғиринда қунишиб, жунлари хурпайиб кетганини кўргач, тагин унга раҳми келгани боис шабкўр хотинини мажбур қилиб тойчага кигиздан ёпқич—баайни гуппи чопон тиктирди. Ана уни тойга кийдириб, гўёки жониворни жуллабгина қўйганини кўрганда, унинг қувонгани таърифга сифмасди. Бўри Қоранинг қувонгани... Ахир, у хадеганда қувонавермайдиган жиддий одам-да...

Хўш, бурчақда Носирнинг қўли билан тошоҳур ҳам қурилди. Карсондан сув аримайдиган бўлди. Айниқса, кўқдан мўл. Кунжутку топилиб турибди. Баъзида Бўри Қора новвойхонага кириб қолганида, боёқиш новвойнинг уқалаб, пўстидан тозалаб қўйган кунжутини ҳам кўтариб келади...

Шундай қилиб, баҳор ҳам бир жойда тўхтаб қолмади: кунлар исиб, ёзнинг тафти ёйила кетди.

Шундай кунларнинг бирида синчи қаттиқ туриб айтди:

— Бунингиз сўкимга ўхшаб қолмасин десангиз, каттажон, боққа обчиқасиз энди. Қўйиб юборинг жониворни. Оёқларининг чигали ёзилиб яйрасин. Чопсин, чопсин... Бу мол чопишга яратилган, оғам.

Бўри Қора, ниҳоят, бир гектарнинг нари-берисидаги боғчасини айланиб кўриб, ундан той сакраб чиқиб кетиши мумкин бўлган кемтик-семтиқни тополмади. Бу томондан кўнгли тўлиб, тойни етаклади.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, бу вақтга келиб тойчоқ ҳам Бўри Қорага тоза ўрганиб қолган, эгаси-ла бўлганида, биров-ярим бу ерга яқинлашаётганини кўрса (Аллоҳ ўзи яна бир бор кечирсин), този итдек қулоқларини чимириб хингирлар, хўш, Бўри Қора уйда кўпроқ ушланиб қолса-ю, тойчоқнинг қорни очса, тепага қараб калта-калта кишна, тепинар эди.

Бўри Қоранинг ўзини айтмайсизми: ишдан вақтли келади денг. Келади-ю, гаражга йўл олади. Баъзида хотини шу ерга овқатини юборади бегининг, чойини ҳам... Ким билади дейсиз, Бўри Қоранинг ёш боласи бўлмагани, хотини аллақачон боладан қолгани учун ҳам гижингтойга меҳри тобора ортиб борар, гоҳида унга ўз фарзандидек муомала қилар ва ҳатто у билан сўзлашиб ўтиришни одат қила бошлаган эди. Ҳа, бу одамнинг невараси ҳам йўқ, тўғрироғи, бор-у, ҳатто кўп-у, йироқларда, ўзининг ва ректор ошнасининг кўшиши билан ишга жойлаштирган районларда...

Хуллас, ола тойчоқ қариётган эгаси учун бир эрмак ҳам бўлиб қола бошлаган эди.

Бўри Қора Чиборнинг бўйнига солинган арқончани калта ушлаб, қўранинг девор томонига тортди. Табиий, бу томон нишаб, бемалол чиқиб туриши мумкин эди. Аммо тойчоқ учун довод бўлди, тоғ бўлди! Сира жилмайди денг, ўрнидан.

Бўри Қора бундай ҳолга чидаб турадиган одаммас: у тойчоқни типирчилатиб даст кўтарди-да, нишабга интилди. Аммо, водариғ, кучдан қола бошлабдимикан — буни сезмаган эканми — хансираб қолди, батамом ҳолдан ҳам тойди. Кейин битта нос отиб олиб, қўранинг нари четини сал-пал бузди-да, тойчоқни ўша томонга судради. Тойчоқ қадам босди, юрди: эргашди эгасига... Ва эгасини етагида юриб, бир неча ертўла-хоналардан ўтди: қўй-эчкилар қошидан, эшак-отнинг ёнидан, сигир-бузоқлар яқинидан... Ола тойчоқ бу жонзотларга ҳам негадир ётлик ила қарар, ҳар биттасидан хуркиб кетар, пишқирар, шунга сари эгасига ёндош бўлар, ҳатто унга тикилибгина одим отарди.

Ниҳоят, узун «хона»ларнинг адоғидан боққа чиқдилар.

О, қуёш порлаб турар, бедапоя ям-яшил, ундаги турли-туман дарахтларнинг кўплари гуллаб қолган, бодомлар-ку шигил гул, ҳаттоки асаларилару капалаклар ҳам боғда жавлон уришар эди.

(Давоми. Боши ўтган сонда.)

Ола тойчоқ атрофга чимирилиб, пишқириб ва яна ўша кўзлари олайиб-дўлайиб тикилар-боқар, ҳидланар, депсинар эди. Ниҳоят, Бўри Қора унинг ипини бўшатди-да, бир четга чиқиб чўнкайиб ўтирди.

Чипор тойчоқ турди-турди-да, оёқлари титраганча нари-берига бир-икки қадам босди, кейин куйругига итпашша кўндими бирдан ирғишлаб тепинди. Кейин эса, бу ирғишлашу тепиниш ўзига ёқиб кетгандек шу ишини такоррай бошлади.

Кейин чопишга тушди. Ҳа, у озодликка чиққан, озодликкагина эмас, ўзининг яшаш манзилига тушган, ҳа, бу ҳайвон анови гараждаги қўранинг бандиси эмас, бу кенг боғчадаги яйловсимон беда-пояннинг чопқир эгаси ҳам эди.

Шундай қилиб, Бўри Қора тойчани ўз ҳавосига қўйиб ҳам ўргата бошладик, бу ҳол унинг учун қандай янги галаба бўлса, Чибор учун ҳам шундай галаба эди.

Асл яшаш тарзининг тотини тота бошлаган жонивор асл авлодларига хос хусну жамолини ҳам рўёбга чиқара бошлаган эди: у тобора гўзаллашар, айна чоғда табиий чиниқиш уни камол топтирмақда, у беихтиёр ўсмоқда эди: оёқлари чўзилиб, ўмровлари қабариб, бўйинлари гажақ тортиб, думлари денг ҳар сонияда хода бўлиб... Ҳе, етилмоқда эди.

Аммо асл мол учун бу тор минтақа ўта торлик қилар, бу ҳолни у шунчаки ҳис этса, эгаси... яхши билар, Умар синчи-да бу нарсани бот-бот тайинлар эди.

Ниҳоят, шундай кунлар ҳам етиб келдики, Бўри Қора тойчоқни боққа қўйиб юборгандан кейин болохонаси пастига бориб, у ердаги юмшоқ кўрпачалар солинган сўрига ўтириб, емагини ейдиган бўлди. Гижингтой боғда ўйнаб-ўйнаб, сакраб-сакраб, ҳар нарсани ҳидлаб ва татиб кўриб, баногоҳ толиққанидан кейин турган ерида туриб қолар ва дафъатан эгасини излаб кишнарган, Бўри Қоранинг қорасини кўриб, битта-битта босиб, унинг қошига келадиган ва имо-ишорасини кутаётган вафодор... мисол қовоғига қараб турадиган бўлди.

Бўлди: у эгасини таниб ва унга содиқлигини тилсиз бир тарзда айтиб бўлди.

Энди навбатдаги...

8

Бури Қора навбатдаги галабани қўлга киритиш учун астойдил ҳозирлик кўрди: биринчидан, тойчоқни кўча орқали дарвозасидан боғига киритиши минг карра афзал бўлгани ҳолда, «хонама-хона» судраб юрган Бўри Қора Гижингтойни ҳақиқатан ҳам бировлар кўришини истамас эди: у ҳали ирим қилмасди — бун билмасди чоғи, аммо қизғанарди, холос. Шу боис гаражнинг темир дарвозасига яна битта кишан қулф уриб қўйган эди. Энди эса бугунги кунда Чиборни кўчага олиб чиқиб, кўчадан олиб ўтиб, Тўполонсой бўйидаги адирларга етиши лозим. Ҳа, ўша ердаги кенгликларда бунинг чигалларини ёздади, бунни яйратлади. Келажакка тайёрлай бошлайди: бу тойчоқ ҳалаи деярли қамал ҳолатида, ахир...

Умар синчининг доно маслаҳати билан аввал исириқ тутатиб, тойчоқнинг бошидан айлантирди Носирбой... Кейин эса исириқ тутатиб турган оловкуракни ўзи олди: ҳа, бунақа ирим-сиримлارни ҳам бировга ишонмаслик керак, илло тойча бировлар гул ҳидини тутганида ҳам унга қарасин! Хўш, иккинчидан, синчининг навбатдаги маслаҳатига кўра, тумор буюришни маъқул топди: «Тирик қолган жодугарлардан бўлса, хат ёздириб олсин опанг. Отга. Кўз тегдирмайдиган хат. Эзиб ичкига ўхшайдиган хатча...»

Учинчидан, синчи чолнинг ўзини ҳам ўзларига ҳамроҳ бўлишини сўради. Чол каттанинг гапини бажонидил қабул қилди ва тонг саҳарда, яъни кўчадан пода ўтаётган маҳали чиқиб, йўлга тушишни маслаҳат кўрди. Тўртинчидан, арқоннинг ҳам пишиғидан иккита эмас, учта олишни тавсия этди. Тагин: ярим челақ кунжут ёки буғдой. Аммо тойга бир-бир ҳовуч берилди, холос. Чунки толиққан отга ем берилса, турган гапки, оёғига ем тушиб, бир умр оқсоқ бўлиб қолади. Сувдан ҳам ҳовучлаб берилиши лозим. Илло чанқаган молга берилган сув ичини куйдириб юбориши мумкин. Шунинг учун кўпқаридан кейин нима қилинади бу борада? Бўри Қора бу ёғини биларди: отни қантариб қўйиш керак...

Ниҳоят, тонг қоронғуси. Намозини чала-чулла ўқиб олган Умар синчи дарвоза оқлида пайдо бўлди. Носир ҳам арқону челақларни кўтариб чиқди. Оқибат, Бўри Қора арзанда тойчасини етаклаб гараж эшикчасидан ташқарига мўралаб олди-да, тайсаллаётган молни зарб билан бир тортди: тойча сакраб чиқиб, эгасига бакрайиб қаради.

Ҳа, мол эгасининг феълига ўргана бошлаган эди: зероки, унинг каттиқўллигига, демек.

Кетдилар йўлнинг четини олиб... Подаям жилаётир, тобора

кўпайиб бораётир. Чунки деярли ҳар бир эшик-дарвозадан битта сизир ё жувана чиқиб кўшилади-да.

Шундай қилиб, ўқириқлар-бўқириқлар, туёқ товушларию таппи ҳидлари ҳамда ҳали батамом қуриб улгурмаган ердан кўтарилаётган губорли чанг ҳамроҳлигида адирга рўпара бўлдилар.

Ё, қудратингдан, ўнг тарафда — этакроқда Тўполон талотўпқила-ётгандек шовуллар, афтидан, тоғларда кўчи бўлган ёки ёмғир ёғиб ўтган эди: ахир, ёзнинг куппа-кундуз куниди ҳам тоғда бемалол ёмғир ёғиб ўтаверади ва атрофдаги сойларнинг сувини бўта-на қилиб кетаверади.

Бўри Қора Тўполонни ушбу ҳолда ва ҳолатда кўриш ўзига дафъатан таъсир этишини билмас эди: таъсир этдики, унга туйқус ётсираб қарай бошлади. Назарида, бу дарё тошган маҳалларда молхўр ҳам бўлади: мана, бунинг исботи. Шу гўзал тойчоқни ем қилишига бир сония қолган эди... Ҳайрият, яна ўзининг аҳмоқлиги туфайли соҳилга итқитди... дарвоқе, ушбу ҳолда Бўри Қоранинг ёдига Назар қассоб тушиб кетдики, унга бўлган нафрати чиндан ошди: ахир, кечалари тойчадан хабар оларкан, нахотки қассобдан гумонсирамаган бўлса? Э-ҳе, гоҳида гараж эшикчасини очиб, кўчага хўб қараб олар эди.

Бўри Қора аслида Тўполонни томоша қилгани кўпам келавермасди. Ўша кунги селни товуши нақ мелисахонадаги хос кабинетига-да эшитила бошлагандан кейин салмоқ билан йўлга тушган эди.

Агар у дарёнинг рафторидан мудом бохабар бўлиб турганида, ушбу онларда ҳам соҳилга томошатаблар чиққан бўлишини тус-моллар эди.

Алалхусус, майдонга етишди. Майдон майдон эмас, бепоев бир кенглик, ҳудудсиз бир мамлакатдек жой эди. Ундаги яшил-яшил оролчалардек ерлар ҳадемай сарғайиб, кучли шамолларда хас-хуслари учиб кетиб, яйдоқ бўлиб қолар, айтиш мумкинки, бу ерда машина пойгаларини ҳам ўтказиш мумкин эди.

Тагин бир гап: қадим-қадим замонларда ёв бостириб келса ёки қабилалараро уруш чикса, барчаси шу арпалида тўпланиб сўқишар экан. Шунинг учунми бу маконнинг номларидан бири (тавба, тавба!) — «Ўлиш дашти» эди.

Ҳозир бу дашт ола-қулоқ — сарғайиб ва кўқариб ётар, гўёки чопқир отларнию пода-пода молларни бағрига чорлар эди.

Бўри Қоранинг ўзи танлади тойчани машқ қилдирадиган жойни: бу ердан Тўполон кўринмас, фақат унинг соҳилларидаги қалашиб ётган харсанг тошлар орасидан ўсиб гуллаган кечки наъматакларгина кўзга ташланар ва дарёчанинг совуқ шабадаси эсиб турарди.

Бошланди машқ!

Бўри Қора бир учи тойчанинг бўйнига боғланган арқонни қўйиб юбориб, жониворга зулмкор оҳангда ҳайқирди:

— Чў! — Сўнгра қўлидаги хивич билан ўйламай-нетмай молнинг сағрисига туширди. Гижингтой гижинглаб сакраб кетди. Бўри Қора арқонни силқитгани сари у ҳуркиб ва кўрқиб қоча бошлади. Ниҳоят, арқонга тортилиб қолди. Шунда отчани ҳайдаш навбати Носирга етди. У тойни урмади, йўқ: қўлидаги тол хивчинни силқитиб, ҳайқариб қува бошлади. Шу аснода тойча эгасининг атрофида айланшига тушди.

У кўп айланди, толиқди, оғзидан кўпик кела бошлагач, Бўри Қора машини тўхтатди. Отчанинг қошига бораркан, жонивор дир-дир титрар, бироқ бир қадам ҳам нарига жилмас эди.

Эгаси унинг бўйнидан кучди ва чўнтагидан рўмолчасини чиқариб, тойчанинг оғзи-бурнини артди. Кейин Носир келтирган кунжутдан бир ҳовуч олиб, унинг тумшугига тутди. Жонивор апил-тапил еб адо қилди. Бўри Қорага қолса, олиб келган кунжуту буғдойларининг барини берар эди тойчоғига. Аммо синчи уни тўхтатиб, интизомга қақариб турарди.

9

Бури Қоранинг ўзига ҳам тойчоқни бу тариқа машқ қилдириш — табиий келажакка ҳозирлаш шунчалар завқли туюлиб кетдики, эртаси куни азонлаб ўзи етаклаб чиқди Гижингтойни!

Айтмоқчи, тойчоққа ном қўйиш масаласи Носир ва Умар синчи иштирокида бир-икки бор муҳокама бўлган ва ҳар бири ўз фикрида қолган эди. Масалан, Носир уни Гижингтой, дер эди. Бўри Қорага — Чибор номи маъқул эди.

Умар синчи эса: «Кўрган кунимок ном қўйиб бўлганман, катта. Бунингиз — Бодомгул!» деб туриб олди. Дарҳақиқат, халқ орасида чипор отларнинг майда гуллиларини Бодомгули деб аташ азалдан бор экан. Ҳатто синчининг боболари Амир Олимхонни Бухорони тарк этиб, юқоридаги тоғлар оша Ҳисорга кетаётганида кўришган, у киши минган от ҳам «Бодомгули» экан.

Ҳали поданинг учи етиб келмаган, аммо овози юқори томон-

лардан эшитилар ва айрим ҳовлилардан акс-садо ҳам чиқа бошлаган пайт эди. Тойчоқ яна ўша кенгликка боражагини ҳис қилибми, у ерда жуда хориганини унутибми, балки кейин ўша ҳолатини ёқтириб ҳам қолгандир, хуллас, эгаси ипни қозикдан чиқара бошлагандаёқ ўйноқлашга тушган, Бўри Қора беихтиёр уни «Ҳозир, Гижингтой, Гижингтой. Маза қиласиз», дея эркалаб кўчага чиқарган эди: энди бир жойда туролмасди.

Бу галги машқ қандайдир табиий бир ҳолда кеча бошлади. Бу тойча чиндан ҳам тезфаҳм экан. Қарангки, Бўри Қора унинг ипини бўшатиши замон шаталоқ отган бузоқдек ўйноқлаб-сақраб кетди-да, эгаси айлангани сари у ҳам даврани катта олиб айлана бошлади. Айланди, айланди, чарчади...

Бўри Қора ҳам толиқди. Йўқ, толиқмади, балки зерикди: бу машқ уни зериктирди. Энди қандайдир бошқа бир иш қилиши лозим эди. Тойчоқ чўзилибгина ётиб, чуқур-чуқур нафас олар, кўзлари эгасида, эгаси эса уни ҳам, ўзини ҳам яна-да мамнунроқ этади-ган машғулот ўйларди.

Топгани шу бўлдики, тойни... қўйвориши керак!

Аммо бу хавфли, хатарли эди. Хавфу хатар нимадалиги номаълум эди, албатта. Аммо ана шу номаълумлик кучли таъсир этарди Бўри Қорага. У бир-икки марта соатига қараб ҳам олди...

Шунда денг, Тўполоннинг шу тараф соҳили адоғидан битта қулунли бия секин-аста ўрлаб кела бошлади. Унинг қулуни жуда ёш, онасининг биқинида сақрагани сақраган эди. Қаранг-а, тожиклар «кабутар-бо кабутар, фоз-бо фоз» деганларидек Гижингтой Чибор нақ ўша қулунга текилиб қолди-ку!

Кейин эса ўрнидан сапчиб туриб, бу маконлар танҳо ўзиники эди-ю, ётлар қадам босаётгандай ўшаларни ётсираб кишнай бошлади. О, унда қанчалар гурур, шижоат пайдо бўлган эди. Яна буни сини қарангки, Бўри Қорадек одам энди ўз молининг феълидаги андак ўзгаришларни-да дилида қайд этишни ўргана бошлаган экан, кўнглига шу гап келди: «Ушаларга яқин обораин-чи. Бунгаям ошна керак. Ректор бўлмасаям...» деб секин ўша томонга жила бошлади.

Чибор эгасининг ҳаракатига мос равишда қадам ташлаб бораркан, туйқусдан қиёмат кўпди!

Олдин қулунли биянинг ортидан қизғиш бир от отилиб чиқиб келди-да, бияни айланиб ҳидлай бошлади. Бия кўкатдан оғиз узмас, фақат тепинар эди.

Шунда денг, ҳалиги отнинг изидан бир бало қуюндек бўлиб кела бошлади. У қоп-қора айғир бўлиб, ёллари ҳам қора, қашқа-пашқаси йўқ, нақ қора девнинг ўзи эди. Тагин унинг кишнаши... оламни тутиб кетгудек эди.

Шунда маълум бўлдики, демек, ўша ёқда — этакда бир уюр йилқи бор, бу айғир — ўшаларнинг соҳиби даврони, эгаси-қўриқчиси ва йўлбошчиси эди. Демак, бу қулунли бия тўпдан айрилган-у, анову қизил тулпор бунга ишқибозлик жўнидан изма-из етиб келган. Демак, айғир бир қаромат кўрсатади ҳозир.

Кўрсата бошлади: келибок шундоқ тикка бўлди-ю, шундоқ ташландики, қизил отнинг боши қайрилиб чўкалаб қолди. Айғир унинг бўйнидан тишлаб силкитишга бошлади.

Бўри Қора алланечук бўлиб кетиб, ипни тез-тез тортди-да, тойчоғини ёнига келтириб, пешонасидан силаб бошлади. Ва шунда кўрдик, Гижингтойнинг икки кўзи анову талашаётган айғирларда! Улар эса бир-бирини егудек бўлишяпти. О, ҳайрият, қизил отнинг омади бор экан, қора айғир навбатдаги ташланишда чап берди-ю, қочди. Қора ерга тиззаси билан тушиб, зўрға кўтарилди. Қизил зингиллаб келган томонига қочиб бораркан, қора айғир пишқириб, ёллари силкитиб, биянинг атрофидан бир-икки айланди-да, уни изига қайтарган бўлди. Кейин яна бояги рақибининг орқасидан қувлаб кетди.

— Оббо, қисталоғ-е, — деб турарди Бўри Қора. Шунда қарангки, биянинг қулуни ҳам Гижингтойни кўриб қолди-да, шундай чиройли кишнадики, Гижингтой ҳам унга монанд кишнаш ила жавоб берди.

Бу ажойиб мусиқа Бўри Қорага олам-олам завқ ҳада этди-ю, Чиборни етаклаб бияга яқинлаша бошлади. Унинг қулуни эркин эди. Эллик қадамлар қолганда, у отилиб-ўйноқлаб келиб қолди Гижингтойнинг ёнига ва у билан талашгудек бўлиб орқа оёқларида кўтарилди. Тавба, Гижингтой ҳам ортки оёқларида кўтарилди. Ва бир-бирини тишламоқчидек ҳаракатлар қилишди. Кейин яна ерга қўйишди оёқларини ва бўйинларини, ҳа-ҳа, бўйинларини бир-бирига ишқаб айлана бошлашди. Бўри Қоранинг негадир кўнгли бузилди.

Унга нима жин урди, тойчоғининг бўйнидаги ипни ечиб олди. Тойчоқ бирданга ҳаракатдан тўхтаб, эгасига тик қараб қолди. Кейин яна ишқалана бошлаган ҳамжинсига бурилди.

Кейин... улар ўйноқлаб кетишди. Қария бия ҳамон бепарволик билан ўт чимдир, этаклардан айғирнингми, бошқа тулпорларнинг-

ми кишнашлари эшитилар, бу ёқдан — шарқдаги Боботоғ ўрқачларидан қуёш чиқиб келмоқда, Тўполоннинг шовқини яна яқиндан эшитила бошлаган, кечки наъматаклар эса шунча гули етмагандек қуёшни олқишлаб сўнгги гунчаларини ҳам очмоқда эди.

Эй, бир ажиб дунё эди бу дунё!

Бўри Қора бемалол юриб соҳилга етди ва у ердаги баландгина қояга ўтириб, нос отди. Ва яна соатига қараб қўйди... Гапшундаки, милиция бошлигининг ишга хоҳлаган пайтида келишию кетиши илгаритдан маълум эса-да, кейинги пайтларда бу ҳол ишга ҳам зиён етказа бошлаган, чамаси, бўлимларда гап бўлган... махсус камераларни қўриқлайдиган хос соқчиларидан бири айтди бу ҳолни бошлиққа. У йигит «катта»га хийла сирдош, баъзан «катта» ўзининг шофёрини қолдириб, уни олиб жўнаб кетар эди. Ва агар вилоят марказидаги ректор ошнасига бирон-бир муносабат ила совғатухфа юбормоқчи бўлса ҳам шу йигитга ишонар ва унга сариқ «газик»ни берарди.

Табиий, уларнинг ўзаро яқинликлари ҳам кўпчилик назаридан четда қолмаган эди.

Шу йигит бошлиқ ҳақида ғайбат бўлаётганини шипшитиб: «Хўжайин, ёшингизиям тилга олишяпти, — деди охири. — Пенсия ёшидан ўтиб кетибсиз экан...»

Бўри Қора бу ҳолни ўзига нисбатан исёндек қабул қилган, бироқ табиатан дангал ва танги бу одам ўйлаб кўриб: «Рост, вақт етибди энди. Иззатингни бил, Бўри», — деб қўйган эди.

Бу гап-сўзларга ҳам хийла вақт бўлган эди.

Ҳозир Бўри Қора қояда ўтириб, носнинг кайфидан роҳатланиб, дарёнинг шовуллаши ҳам уни қандайдир аллалаб тураркан, шу — ўзининг бу йил бўлмаса — келаси йил ишдан кетажагини ўйлади-ю, уларнинг — Бошқармадагиларнинг бу ҳақда гап солишларини сира-сира кутмасдан вақти-соатида ариза беришни кўнглига тугди.

Ха, ана ундан кейин-ин у... яйрайди-ёв. Нукул шу ерга келади кейин. Овқатини ҳам шу ерда пиширади. Носир полвони бор — нима ғами бор. Бу ёқда мана, эрмаги бор. Айтмоқчи, агар у бу тойчоқни — той, кейин — дўнан, кейин — ғўнан, кейин от қила олса борми... синчининг айтишича, доврўғи Доғистонга кетади: илло, бу отчадан мислсиз кўпқаричи тулпор чиқади. Бу Чиборга атаб воҳадаги бахшилар термалар айтишади...

Э, мазза-да!

Амал-мансаб, ҳокимлик нималигини кўрди. Зириллатди бутун бошли туман аҳлини. Майли, дўсту сирдош топмади — на чора? Бунинг ҳам сабаби аён, қадимдан айтишади-ку: «Ким билан дўст бўлсанг бўл, аммо миршаб билан дўст бўлма...»

Бу тўғрида халқ ичида маъноли ривоятлар ҳам юради.

Аммо-лекин Бўри Қоранинг ўзида ҳам айб бор: кўпол, қаттиққўл, шафқатсиз одам...

Ким билади дейсиз, қандай бўлиб бундай бўлиб кетди у? Бошда — ёшлигида унчаликмас эди. Тўғри, айёр эди, маккор эди... Ай, нима бўлса бўлар!

Бўри Қора кўкси қабариб атрофларга қаради-ю, тойчоқни нега қўйворгани, нечук бўлиб уни эсламай ўтиргани ўзига дафъатан таъсир этиб, ҳаттоки ўзини унга нисбатан хоинлик қилгандек, балки ўзи учун бепарволик қилгандек туюб тургани ҳолда бияни эмаётган қулунга кўзи тушди. Кейин ҳовлиқиб кетиб, Чиборни излади. Ўрнидан турди! Уф, Чибор баланд бўлиб ўсган бўритикан панасида турган экан. Бия билан қулунга чимирилиб қараб Бўри Қоранинг қандайдир ғашлиги, рашкка ғазоби келиб кетди-ю:

— Чибо-ор! — деб бақириб юборганини билмай қолди. Кейин устма-уст ҳайқира бошлади: — Гижинг! Тойчоқ! Бери ке...

Не бир ҳайрат ичра она-болани кузатиб турган тойчоқ худди онаси, балки отаси чорлагандек сапчиб тушди-да, тикандан холи жойга чиқди. Кейин уни ердан бир нарса қувгандек шундай чопиш қилдики, зум ўтмай Бўри Қоранинг пойида пайдо бўлди. Бўри Қора табассум-ла қоядан тушиб, ўглига дашном бераётган отадек томоқ қириб, хўмрайиб олиб:

— Э, сени қара-ю... — дея тўнғиллаб, жониворнинг пешонасини силади. Кейин тойчоққа бу ҳол ёқабётганини англаб, унинг қулоқлари ортини силаб, сийлай бошлади: илло, у кейин ойлар тажрибасидан шунга амин бўлган эдики, от зотининг қулоғи ортини сила-санг-сийпасанг, жонивор она алласини эшитаётган мурғак каби жимиб қоларкан ва ҳатто эгаси сийпалаётган бароқ мушук каби хур-хур этган овоз ҳам чиқараркан.

Ниҳоят, Бўри Қора атай чўнтақларини тўлдириб келгани кунжутдан олиб, жониворнинг тумшугига тутган, жонивор онасини эмаётган қулун каби эгасининг кафтини ҳам ялаб, кунжутни ямлаётган маҳал буларнинг бу ерда ёлғиз эмасликлари баҳарҳол аён бўлди.

Тепада кўқдан келиб кўнган ғажирлар каби одамларнинг қораси

кўринди ва эниб туша бошлашди.

10

Бўри Қора қараса, нақ Назар қассоб эняпти-да биринчи бўлиб... Милиция бошлиғи ўзидан каттароқ раҳбар келаётган каби ўрнидан ирғиб турди! Аммо ўзининг махсус хоналарининг биридан қочган маҳбус келаётгандек муомала қилди унга:

— Ҳа, нима қилиб юрибсан... мени қоралаб? Ё томошага келдингми, каззоб?

— Йўқ, начайлик бобо, — деди қассоб хотиржамлик билан. — Кечаям ўйнатган экансиз тойчоқни шу ерларда... Подага сигир кўшиб борган улим айтиб эди. Қани, мен бир кўрай ўша тойчоғимни, деб келиб эдим...

— Тойчоғимни... Ҳе, соқолинг тўкилсин, нокас. Эшоннинг қорни — беш, ҳамиша биттаси — бўш, деганларидек ҳеч тўймадинг-тўймадинг-да, ҳаромхўр!

— Бобо, бу дунёда ҳалол одамнинг ўзи йўқ, — деди Назар қассоб тағдор қилиб.

— Биламан, биламан-е! — деб юборди мелиса бошлиғи ўқсиб. — Шунинг учун тек юраман-да... Эй, мунга кўп тикилма, қассоб! Ирим-сиримга ишонмайман-у, сенинг кўзинг бор дейман-ов. Шу жонивор кўзикиб қолса, билиб қўй, ўяман шу пўстақдаги тешикларингни... Жўна бу ердан! Йўқол!

— Э, худонинг ери бу ер...

— Бор, бор!

Мелисалар бошлиғининг жуда оташин бўлганини кўрган бошқа томошатаблар ҳам секин-секин қайрилиб ва тойчоққа қараб-қараб қоялардан ошиб кета бошлашди.

Табиий, уларнинг гап-сўзлари (атайин овозларини кўтариб сўзлашарди) эшитилиб турарди:

— Селни томоша қилиш учун келиб эдик, холос. Бошқа томоша бўлмаса...

— Шуни айтинг, оқсоқол. Шу ергаям хўжайинлик қиляпти...

— Лекин, тойи... тоймисан той экан-да!

— Назар бобо, сизнинг кўзингиз бор-а?

— Кошки эди бор бўлса...

Бўри Қора сачраб қаранганида, Назар қассоб қоя ортига ўтган эди. Бошлиқ тўнғиллаб қолди:

— Ҳе, энангди... Ол, ол! — Ҳовучида қолган кунжутни тойнинг оғзига тутди ва унинг рафторидан ҳайрон қолди. Қизиқ, тойчоқ кунжутни емаган ва мана, емай турар, кўзлари йириклашиб кетган ҳолда қассоб томонга боқар эди. — Ол деяпман! — отчанинг тумшугига қафтини ишқади Бўри Қора.

Отча яна оғиз очмади-ю, сувга... кўпириб-тошиб ва ҳовлиқиб оқаётган сувга қаради. Тўғри, бу катта сел суви эмас эди. Лекин тоғнинг қаеридадир жала аён эдики, бу ўшанинг ўрмалаб келган оқаваси эди. Ажаб, одамлар шуни ҳам томоша қилгани келишади...

Аммо-лекин боягилардан кимдир тўғри айтди: туманда, хусусан туман атрофидаги қишлоқ ва овулларда нима борки, қизиқиб томоша қилиш мумкин?

Хўп, тўй бўлса — бўлак гап: кўпқариси бор, чавқи-кураши бор, пиёда улоғи (пойгаси) ҳам бўлиши мумкин. Хўш, яна нимаси бор? Бахшилар гурунги... Яна? Ҳе, кентнинг чеккасидаги радиокарнайдан таралиб қоладиган кўшиқлар, хабарлар...

Боз нима?

Шу - сел.

Селлар мавсуми ўтиб бўлгач, тиниқ ва мусаффо Тўполондан балиқ овлаш...

Баъзан балиқчиларнинг тунда ҳам овлаб юрганларини кўриш мумкин бу ерда: машъала ёқиб, соҳилда кезиб, балиқларни алдаб-чорлаб, қўл билан тутишади.

Кейин гоҳ-гоҳларда тунни шу соҳилда ўтказишади ишқибозлар. Уларнинг томоша қиладиган нарсалари, табиийки, сувнинг жимирлаши, ойнинг балқиб чиқиши, юлдузларнинг жимирлаши... Табиат, тунги табиат! Шундан ҳам олам-олам завқ олишади.

Тавба, бу воқеалар кечганига жуда унчалик кўп вақт бўлмагани эсланса, ўйлаш мумкин бўладикки, дунёмиз ўша кезларда ҳам ёш эканми ё одамлар ёшроқ эканми, а?

Алқисса, тойчоқнинг емдан бош тортиб

қолганини кўриб ғазаби қайнай бошлаган Бўри Қора ундан кўзини узмай тураркан, Чибор туйқус бошини буриб, сойга қаради-ю, унга-да тикилиб қолди. Сўнгра тумшугини қимирлатиб аста хиринглади. Ва қулоқлари қамишдек тиккайиб қолди-да, қандайдир интилган бўлди олдинга: қуйига тушмоқчими ёки тушиладиган ёнбағирда бирон нарсани кўрдими?

Йўқ, худдики олға узатган оёғи оташга теккандек тортиб олди-да, дам Бўри Қорага, дам Назар қассоб кетган томонга кўз отди. Кейин яна шовқинли, тўзонли ва совуқ сел қаърига кўз тикди ва шундоқ бурилиб, шундай... қоча бошладики, биров кузатиб турган бўлса, бу тойчоқни соғ демас эди. Ва, кўриниб турибдики, бу қочиш — ўйноқлаб, шаталоқ отиб югуришларига ҳам сира ўхшамас эди.

У қандайдир бало-қазодан қочаётганга ўхшар эди!

Шунда Бўри Қорага ҳам бир бало бўлди, чоғи: тойчоқнинг бу қилиғига таъбир тополмай, тахминан мундай: қочишни ўйлаб юраркан-у, оқибат вақтни ганимат билиб ура қочди-я, хумпар, деб ўрнидан турган они беихтиёр ўзи ҳам тўзонли, шовқинли ва совуқ селга бир кўз отди-ю, юраги шувиллаб кетди: ҳа, назарида, бу сув ҳам эмас, сел ҳам эмас, бошқа бир даҳшат — одамхўр ва молхўр, тийим билмас бир босқинчи, жонли бўлиб — жонли, жонсиз бўлиб — жонсиз эмас-у, аммо ҳар иккисининг омухтасидаги ёвуз кучни кўргандек четлана бошлади. Ва бу ерга нечук келиб қолганига-да ақли етмай қийғос гуллаган наъматакка урилди. Қаерларидир тилинди-шилинди ва ҳоли ерга чиқиб олди.

Чипор тойчоқ худди кечаги жойда — Бўри Қора унинг бўйнига арқон солиб айлантирган жойда таққа тўхтаб, бир гала кийикни кўриқлаётган посбон такадек бу ёққа мағрур боқиб турарди.

— Чибо-ор! — бақириб юборди Бўри Қора ва чап томондаги тошлоқдан юқорига ўрлаб кетаётган одамларнинг бурилиб қарашганини ҳам кўрмади. — Гижингто-ой!

Той бирдан бу томонга отилди. Аммо ўн-ўн беш сакрашдан кейин яна таққа тўхтаб қолди.

(Давоми бор.)

Мусаввир Комил ЖОНТОЕВ.





Мухайё ЙЎЛДОШЕВА,
Алишер Навоий номидаги Тил ва
Адабиёт институти аспиранти

Адабиёт ҳаммиса модерн

XX аср охирида Ўзбекистон сиёсий-ижтимоий тузумида, миллатнинг онгида юз берган янгилашни ўзбек шеърлятида ҳам туб ўзгаришлар содир этди. Илгари мавжуд бўлган тасаввуларга мутлақо мос келмайдиган, англаш у ёқда турсин, ҳатто ўқиш ҳам маҳол бўлган шеърлар юзага келди. Бу шеърлар адабиётшунослик илмида модернистик деган ном олган бўлса-да, уларнинг кўпчилигида миллий руҳ сезилиб туриши жуда қизиқ ҳолат.

Аслини олганда, адабиёт ҳаммиса модерндир, у ҳаракатдан тўхтаसा, бадий тароватдан маҳрум бўлади. 90-йиллар шеърлятида «Мовий хаёлинг билан тонг қолдирдинг» ёки «Кўзларинг томади юдузга ўхшаб, жисмингни тарк этар кўм-кўк митти қуш» сингари тимсоллар пайдо бўлдики, уларнинг миллий илдишларини топиш, бундай тасвирларга асос бўлган сезимларни англаш гоят муҳим. Бу хилдаги шеърлар юзаки қарагандагина анъанавий фикрлаш тарзига бегона кўринади. Аслида ушбу образларнинг миллий асослари мавжуд ва уларни топиш учун сиртдан қараганда бир-бирига унчалар ҳам яқин келмайдиган тасаввуф ва модерни адабиёт тушунчаларини алоқадорликда кўра бириш лозим бўлади.

Маълумки, ўзбек адабиёти тасаввуф таъсирида камол топган. Унда шу боис ҳам тимсоллар, ишоралар катта ўрин тутади. Ранг ифодаси ҳам рамзий белгилардандир. Шоирдаги муҳитга ёт жонли руҳ, хассос кўнгил вофилларга бегона, шу боис улар ҳайратига сабаб бўлмоқда. «Кўм-кўк митти қуш» эса жоннинг жисми тарк этаётганини билдиради, негаки қуш тасаввуфда руҳ тимсолидир. Тасаввуфнинг модерни шеърларда учраши бежиз эмас. Зотан, тасаввуф покляниш, гуноҳлардан тавба қилиш, яхши амаллар бажариш, эзгуликка интилиш демақдир. Биз бу бадий ҳодисани шоир Баҳром Рўзимухаммад шеърлари асосида текширишга уриндик.

Кўнгил менинг Каъбамдир
Ки унга нигоҳинг тушиб туради
бош мақомини бердим кўнгилга
Кўнгил ботиний мен — руҳ маскан тутган макон.
Жисми покловчи, юксалтирувчи, ўзга ўзини танитувчи муқаддас аъзо. Кўнгилга сохталик, ёлгон, вафлат бегона, у аслини борича кўрсатувчи ҳақгўй кўзгудир.

Сен тилла бўл
мис-мислигини
Темир-темирлигини тўғри тушунсин
Сен кўзгу бўл
Ҳеч ким ўзининг ўзидан каттароқ
аксин кўрмасин.

Шоир кўнгил кўзи хиралашувидан, сустлашувидан хавфсирайдир. Тасаввуф таълимотида ҳам ҳар бир банд «ё аслидагидай кўриниши ёки кўрингани каби бўлиши» лозим. Пайгамбаримиз марҳамат қилганларидай: «Жисм тузалуви ва бузилуви кўнгилдан бошланади». Б. Рўзимухаммад шеърлари — Яратганнинг ўзидан ибтидо олган руҳни излаш, руҳият чигалликларини акс эттириш мевалари, шу аснодаги изтиробларнинг тасвири, бинобарин, уларни тасаввуфдан айри ҳолда англаш ва қабул қилиш мумкин. Чунки асл

адабиёт ҳам тасаввуф сингари алаоқибат покляниш демак.

Сен йиғлайвер — гўзал бўласан,
Дард чекавер — ҳуснинг ортади.
Дард кўнгилни тавбага йўллайдир, гуноҳларнинг оғир юкидан халос этади, демакки, гўзаллаштиради, чунки дард чеккиш ўзгаларни тушункиш, шу орқали ўзини англашга олиб келади. Дардсиз кўнгил ўликдир. Унда тан эҳтиёжларигина ҳоқим бўлади. Шоирнинг: «Сенга ярашмайди табассум, Қиёфанга оғир ботади», — дейиши шундан.

Фоний дунё буюк Қудратнинг аксигина, холос. Бунда ҳақиқатни эмас, унинг аксинигина кўриш мумкин. Шоирнинг бевозта кўнгли кишанлардан халос бўлишни истайдир:

Мени танимга занжирбанд қилдилар...
энди мен

энди мен
қачон бир эркинроқ яшайман
Маълумки, тасаввуфнинг бош мезони дунёдан кўнгилни халос этишлиқдир. Шоир ҳам руҳини жисмидан қутқармоқчи. Жисм руҳнинг чин дунёда ҳаёт кечиршига ҳалал беради:

Рух кўкка интилар жисм ўзини
ҳар лаҳза минг бора ерга уради
Азозил қўлида бўлиб ўйинчоқ.

Бу руҳий нотинчлик ҳисси танни қийнаш билан қондирилади, чунки вужуд Рух ва Ҳақ ўртасидаги тўсиқдир. Уни рад этмагунча асл бахтга етиб бўлмайди: «ўзунгдан ўздунг — еттинг». Шоир сўфий руҳ ифодасида сўфиёна ташбеҳлардан, рамзлардан маҳорат билан фойдаланган. Шеър — руҳнинг моддий қиёфаси, Ҳаққа интилган шоирнинг ўзини унутиш жараёни. Буни тушунтириш эмас, ҳис қилиш зарур. Зеро, Ҳақ ошиқ кўнгил билан танилади.

Тирикчилик ва манфаат зугумларидан муҳофазга этилган кўнгилда Рух юксалади. Борлиқ ўз моҳиятини кўрсатади, яъни Яратган бутун оламда бутун олам Яратганда намоён бўлади. Шоир ишқ-ла поклянган, гўзаллашган оламни қайтадан идрок этади.

Олам моҳиятини англаган шоир энди Илоҳий висолга — Ҳақиқатга етишмоққа интилади: Мен сенинг ўзингни кўрмак истамайман кўзларимнинг қуввати етмайди бироқ Зеро кўз ҳам бор-йўғи либос, аслининг акси, холос. Ўзи инъикос бўлароқ, Аслини қандай кўрсин!!

Кўринадики, Баҳром Рўзимухаммад шеърлари шаклан модерни бўлса-да, мазмунан миллийдир. Зотан, сўз санъатида нимани айтиш эмас, қандай айтиш муҳимдир.

СИРЛАШУВ. ФОТО МУАЛЛИФИ
ШАБКАТ АКРАМОВ.



Табиат ва тафаккур товушлари

Феруза АСКАР,
санъатшунослик номзоди



Таниқли англиз ёзувчиси Артур Конан Дойлнинг қахрамони Шерлок Холмс бир тола сочга ёки кафтдаги қадоққа қараб, номаълум одам тўғрисида ҳайратомуз ҳақиқатларни, сир-синаотларни аниқ айтиб бера олади. Ана шундай қобилияти туфайли изкувар сифатида ном қозонади. Синчков мусиқашунос эса кишининг товуши орқали унинг ҳаётини интилишларини тушуниши, кайфияти хусусида аниқ хулоса чиқариши мумкин.

Инсон товуши жисмоний ва руҳий ҳолатини тўлиқ акс эттиради. Уятчанлик туйғуси мулойим, ишончсиз, ҳатто дудуқланишга ўхшаш товушларни вужудга келтиради. Қатъият ёки қаҳр-ғазаб нутқда кескин оҳанглари пайдо этади. Энг муҳими, бундай пайтларда муайян товуш оҳанглиридан фойдаланган одам ўзини ўзи муолажа қилади.

Нутқдаги товуш товланишлари муаммосини бартараф этиш борасида машҳур француз киноактёри Жерар Депардьё ҳаётида ибратли воқеа содир бўлган. Ҳозир Депардьё ниҳоятда ёқимли товушда гапирди. Лекин 1960 йилларнинг ўрталарида актёр қийналиб, кучаниб гапирар экан, ҳатто кўпинча дудуқланар, ўз товушидан уялар экан. У актёрлик маҳоратининг сир-синаотини эгаллашга қатъий аҳд қилади; ўқитувчи эса товуш муаммосини ҳал этиш учун врачга мурожаат қилишни маслаҳат беради. Доктор Депардьёнинг эшитиш аъзоси шикастланганини аниқлайди. Унинг ўнг қулоғи ўз товуши оҳанглирини назорат қилолмас экан. Бу кишининг руҳий ҳолатига, ҳис-туйғуларига салбий таъсир этадиган нуқсондир.

— Қандай муолажа буюрасиз? — деб сўрайди Депардьё.

— Бир неча ҳафта давомида ҳузуримга келиб, икки соат мобайнида диққат билан мусиқа эшитишингиз лозим, — деб жавоб беради врач.

— Мусиқа?! — дейди Депардьё ҳайратланиб.

Бироқ врач маслаҳатига амал қилмаган Депардьё ўзининг эшитиш ҳиссиётини парвариш қила бошлайди, айни чоғда мусиқа ёрдамида товушини тарбиялайди.

Тез орада актёрда ўзига қатъий ишонч пайдо бўлади, «норасолик унсури»дан халос бўлади ва завқ-шавқ билан ижодий ишларини бошлаб юборади. Бугун у давримизнинг энг машҳур санъаткорларидан бири ҳисобланади, уни фақат хатти-ҳаракат-

лари учун эмас, балки ёқимли овози учун ҳам кўпчилик яхши кўради.

«Мусиқа ёрдамида муолажа олмасдан аввал бирорта гапни охиригача бехато талаффуз қилолмасдим, — деб эслайди Депардьё. — Муолажа олганимдан сўнг тафаккур бутунлигига эришдим, ҳозир фикр-мулоҳазаларимни бенуқсон ифодалашим мумкин, нутқимда ҳеч қандай иллат йўқ...»

Бу кашфиёт эмас. Қадимда Шарқ донишмандлари мусиқага алоҳида эътибор берганлар. Буюк бобомиз Абу Али ибн Сино мусиқанинг пайдо бўлиши нутқ товушларига боғлиқ эканини алоҳида таъкидлаган эди. Ҳақимнинг қайд этишича, товушнинг товланишлари табиий ҳол бўлиб, хушомад қилинаётганда, итоатгўйлик изҳор этилаётганда, суҳбатдошни бирор нарсага кўндриш учун авраб-алдаётган чоғларда, ночорлик ва бенаволик тан олиниб, раҳм-шафқат сўраётган чоғларда паст товушда гапирилади; дўқ-пўпса қилинаётганда эса кескин товушда, шошиб-пишиб гапирилади ва ҳоказо. Дастлаб нутқнинг муваққат ҳамроҳи бўлган товуш аста-секин мустақил қиммат касб этади ва мусиқа пайдо бўлади. Шунингдек, ибн Сино таълимотига кўра, мусиқанинг вужудга келишига яна бир муҳим омил бор, яъни «инсоният ўзаро мулоқот қилишга интилади, зеро унинг тақдири ўзаро мулоқотга чамбарчас боғлиқдир».

Ўрта асрларда ўтган буюк табиблар муолажа жараёнида мусиқадан самарали фойдаланганлар. Айрим беморларни даволаш чоғида махсус мусиқали сеанслар ташкил этилган. Куннинг маълум вақтида (эрталаб ёки пешиндан кейин) муайян мақомларни («Ироқ» ёки «Рост») муайян чолғу асбоблари — най ёки гижжак ижросида эшитиш тавсия қилинган. Албатта, бунда юрак-томир, бўғим касалликларининг ўзига хос хусусиятлари ҳам ҳисобга олинган. Қисқаси, ҳаётини тажрибаларга асосланган мусиқавий муолажанинг махсус йўналиши пайдо бўлган.

Ҳар бир одамнинг товушида, нафасида унинг табиати, мизожини акс эттирадиган сир-синаот яширин бўлади ва ҳар хил руҳий муаммоларнинг ташҳиси ҳам шунда яшириниб ётади. Кўшиқ айтиладиган товуш билан оддий мулоқот пайтида гапириладиган товуш ўртасида жуда катта тафовут бор.

Мақом йўлида овоз аслида товуш оҳанглирининг зўриқмасдан, табиий равишда кучайиши ва пасайишини таъминлайди. Бун-

да товуш бир маромда мавжланади, узил-хосил бўлмайди. Клавиатурани босиб, мусиқа чалаётган пайтда эса куй товуши гоҳ кўтарилиб, гоҳ пасайиб туради, яъни мусиқашунослар ибораси билан айтганда, «глиссандо» ҳодисаси рўй беради. Мақом айтиш жараёнида ижрочи томонидан қилинадиган имо-ишоралар, хатти-ҳаракатлар киши мизожининг ўзига хос хусусиятларини англатади. Айрим ижрочилар пала-партишликка йўл қўйса, бошқалари бир неча марта тўхтаб, нафасини ростлаб олади. Бундай хатти-ҳаракатлар ҳам кўшиқчи табиатини акс эттиради.

Шак-шубҳа йўқки, товушдан, мақом ва мусиқа санъати намуналаридан муолажа сифатида фойдаланиш илк бора бизнинг кўҳна заминимизда йўлга қўйилган (ал-Форобий, ибн Сино бу ҳақда рисолалар яраттишган). Буюк ипак йўли бўйлаб ҳаракат қилган савдогарлар мусиқий муолажани бебаҳо хунар сифатида Марказий Осиёдан Хитойга, Ҳиндистонга, Европага олиб борганлар (сўнг шаманлар санъати, ҳиндча «рага», хитойликларнинг аънавий мусиқалари ҳам табобатга жалб этилади).

Назаримда, мусиқа комил инсонни тарбиялашда муҳим восита бўлиш билан бир қаторда киши тафаккурини шакллантиради, уни нурли чўққиларга йўналтиради.

Мусиқанинг хаста кўнгилларга, пурдан кетган вужудга малҳам бўлишини юқорида айтиб ўтдик. Бизни фақат бир нарса ажаблантиради: буюк боболаримиз томонидан топилган мусиқавий муолажа нима учун эътибордан четда қоляпти? Ахир, хорижий мамлакатларда алақачон мусиқавий муолажа университетлари, илмий марказлари ташкил этилган-ку! Махсус илм даргоҳларини тамомлаган талабаларга «мусиқий муолажа табиби» дипломи берилляпти.

Хусусан, Парижда Буланже маркази, Стэнфордда Медицина университети, АҚШда мусиқавий муолажа ассоциацияси, Мадорасда тадқиқот маркази, Венада мусиқавий муолажа маркази, Истанбулда Медицина институти, Лондонда соғлиқни сақлаш миллий институти фаолият кўрсатяпти. Энди ўз-ўзидан ҳақли савол туғилади: хўш, илмий фаолият тизими барпо этилмаган бир пайтда мусиқадан, товушдан муолажа воситаси сифатида фойдаланиш мумкинми?!

Бизнингча, бундай беминнат муолажа воситасини эътибордан соқит қилиш инсофдан бўлмайди.

Бойқуш

Табысқан ҚАНААТОВ —
1972 йилда туғилган.
Қорақалпоқ давлат
университетини тугатган.
Ҳозирда
“Қорақалпоғистон”
журнали бош муҳаррири
вазифасида хизмат
қилади.



Жуда қадим замонларда мол-давлати тўлиб-тошиб, обрўйи осмондан ошган, ақлли ва доно бир одам яшаган экан. Ҳалиги одамнинг тангридан тилаб-тиланиб олган ёлғизгина бир ўғли бор экан. Бироқ бу бола ҳаддан ортиқ эркатой ва тантиқ бўлиб вояга етибди. Ота-онасининг айтганларига қулоқ солмайдиган, катталардан ақл олмайдиган бу фарзанд ўзибилар бедаво бўлиб ўсибди. Орадан йиллар ўтибди-ю, ҳалиги бойнинг хотини ой-куни етиб, кўзи ёрибди. Бу гал улар қиз фарзанд кўрибдилар. Ўсиб-улғайгани сайин қиз ҳам ота-она сўзини уқмайдиган, ўз билганидан қолмайдиган бўлибди. Ота-онаси фарзандларини айтганимизга кўндирамиз, ўқитамиз-ундирамиз, дин-иймонга эндирамиз деб қилган саъй-ҳаракатлари ҳеч бир натижа бермабди. Охир-оқибатда фарзандларидан кўнгли қолган ота-она уларга қаттиқ-оғир сўзларни айтиб, уришиб-койий бошлабдилар. Бундан хафа бўлган фарзандлар:

— Ўз уямизга кетайлик, қуш бўлиб парвоз этайлик! — деб бир-бирларига сир айтишиб ўтирадиган одат чиқаришибди.

Уларнинг ниятларидан хабар топган ота эса «Ниятингизга Оллоҳнинг ўзи етказсин» дея аччиқланибди ва Яратганга ёлворибди:

— Эй, Парвардигори олам! Фарзандларим манманликка берилиб, ўз билганидан қолмай, ота-онасини чиркай каби кўрмай, одобсиз, бадкор бўлиб вояга етди. Уларни йўлга солиб, чора кўрмасанг, бизлар илож

тополмаяпмиз, — дея арз қилибди.

Шунда фалақдан:

— Тилақларинг ижобат бўлғай, уларни ниятларига яраша ўзим жазолайман, — деган овоз келибди.

Фарзандларининг қилиқларидан хафа бўлган ота фиғони ошиб уйига келса, қинғир қилиқли фарзандлар яна ўша совуқ ниятда ўтирган эмиш. Улардан бири:

— Ҳозир отамиз келиб, яна бизларга бақиршини бошлайди. Ундан кўра қушга айланиб учиб кетайлик! — дебди.

Шунда бой улардан баттар ранжиб:

— Ҳа, боёқишлар! Уйдан безиб, кетгиларинг келдими? Муродингиз ҳосил бўлади энди, — дебди.

Ана шунда ҳеч ким кутмаган бир воқеа содир бўлибди — бирданига уйни зимистон босиб, бойнинг қизи ва ўғли ўрнида иккита қуш пайдо бўлибди-да, пир-пир уча бошлабди. Қушларнинг кўзи жуда ўткир бўлиб, совуқ нур сочар, кўриниши эса жуда кўрқинчли экан. Қушлар овулдан овлоқ жойларда учар, одам боласи оёқ босмайдиган харобахоналарга кўниб, эски томларга уя соларкан. Элу юрт уларнинг қандай жонзот эканлигини билмай ҳайрон бўлибди ва бунинг сирини билиш учун Яратганга илтижо қилибдилар. Фалақдан нидо бўлибди:


— Эй, бандаларим! Улар ҳам сизларга ўхшаган одам эди-ю, бироқ ота қарғишини олгани боис, шу аҳволга тушиб қолдилар. Бирови бойнинг қизи, бирови эса ўғли...

Шу-шу бўлибди-ю, бойнинг ўғил-қизлари «бойўғли» (бойувли), «бойқизи», «бойқиз», «бойқуш» номлари билан танилиб, ҳар овул-аймоқда жинсига кўра турлича номланадиган бўлибди. Бойнинг ўзи эса буларни «Муродҳосил» деб атаркан. Бироқ эл уларни ёмонлик чақирувчи деб билиб, кўпмат тилга олавермайди. Хуллас, бу қуш ўз қилмишидан ўзи уялиб, юртдан йироқроқда паналайдиган бўлибди.

Борди-ю, бу қуш одамларга яқин келиб уя кургудай бўлса ҳам, одамлар уларни узоқ-узоқларга ҳайдашар экан. Одамлар орасида бу қуш кимнинг уйига кўниб сайраса, ўша хонадон бошига мусибат тушади, деган сўз юради. Шунинг учун ҳам унинг қийқиллаган овозини эшитган одамлар «қайғули хабар келтирмагай» деган ниятда, ёмонликнинг олдини олиш учун «ҳақ сўйла, ҳақ сўйла!» деб такрорлаб, Яратгандан яхши хабар сўрашар экан. Бойнинг фарзандлари шу тариқа эл-юртдан қочиб юриб, олис-овлоқда, чет-чебарда, чалгай хилват жойларда яшайдиган қушларга айланиб қолган эмиш.

Навоий вилояти, Конимех тумани, Учтўба қишлоғилик Қулмбет Жийемурод ўғлидан ёзиб олинган.

Қорақалпоқчадан **Заррина МУЗАФФАР қизи** таржимаси.



Bir bor ekan, bir yo'q ekan, Trampi ismli quvnoq bir filcha bor ekan. Bir kuni Trampi eng yaqin do'sti bo'lmish Leoni ko'rgani uning uyiga yo'l olibdi. U katta-katta quloqlarini shodon silkitib, uzun xartumini har tomonga o'ynatib, quvnoq kayfiyat bilan ketib borarkan. Hatto xursandligidan qo'shiq ham aytarmish:

La-la, la-la, la-la-lay,

Men bugun quvnoqman-ey!

Nihoyat u sherbachcha Leoning uyiga yetib kelib eshikni taqillatibdi. Leo eshikni ochibdi.

— Yur, o'ynaymiz, chiqqin! — debdi Trampi unga.

— Faqat bugun emas, — deb sherbachcha Leo eshikni ichkaridan bekitib olibdi.

Trampi xartumi bilan boshini qashlabdi. "Qiziq, — deb o'ylabdi u, — Leo ustimga o'tirib olib sayr qilishni biram yaxshi ko'rardiki... Nachora, borib Tommi bilan birga o'ynayman".

Filcha qo'shig'ini davom ettirgancha yo'lbarscha Tommining uyiga jo'nabdi:

La-la, la-la, la-la-lay,

Men biram quvnoqman-ey!

Mana, filchamiz Trampi yo'lbarschani eshigini taqillata boshlabdi. Eshikni Tommining o'zi ochibdi.

— Yur, birga o'ynaylik, — debdi unga filcha.

— Faqat bugun emas! — deb javob qilibdi yo'lbarscha Tommi.

— Men orqangni xartumim bilan qashlab qo'yaman, — deb va'da qilibdi Trampi.

— Faqat bugun emas, — deb qaytaribdi yo'lbarscha Tommi va eshikni yopib olibdi.

"Bu judayam g'alati-ku, — deb o'ylabdi Trampi. — Axir, Tommi orqasini xartumim bilan qashlab qo'yishimni judayam yoqtiradi-ku. Nachora, unda begemotcha Xippining oldiga borib, birga o'ynashni taklif qilaman".

Trampi quvnoqlik bilan ashulasini davom ettirgancha, o'z yo'lga ravona bo'libdi:

La-la, la-la, la-la-lay,

Men bugun shodonman, hey!

Begemotcha Xippi bo'lsa bu paytda daryo qirg'og'iga o'tirib olib, cho'milishga hozirlik ko'rayotgan ekan.

— Yura qol, Xippi, birga o'ynaymiz! — deb chaqiribdi filcha Trampi.

— Faqat bugun emas, — debdi Xippi.

— Yura qol! Senga shunaqayam ajoyib dush qilib beramanki, mazza qilib cho'milasan, — deb va'da qilibdi Trampi.

— Faqat bugun emas, — deb javob qaytaribdi Xippi va suvga sho'ng'ib ketibdi.

Begemotcha Xippi rosa chuqur sho'ng'iganidan, filcha Trampi faqat uning kulrang burni uchinigina zo'rg'a ko'ra olibdi.

Filcha Trampi juda xafa bo'lib, asta-sekin orqasiga qaytibdi. Yo'lida u daraxt shoxlaridan biriga dumini bilan osilib turgan maymun Mikkini ko'rib qolibdi.

— Salom, Mikki! Balki sen men bilan o'ynarsan? — deb so'radi filcha Trampi undan.



QUVNOQ FILCHA

Amerika ertagi

— Faqat bugun emas, — debdi Mikki boshqa daraxtga sakray turib.

Shundayqilib filcha Trampi uyiga jo'nabdi. U qattiq xafa bo'lganidan katta-katta quloqlarini silkitmay, xartumini har tomonga aylantirib o'ynamay, qo'shig'ini ham aytmay qo'yibdi.

Uyda esa filcha Trampining onasi kattakon bananli tortga qand upasi sepayotgan ekan.

— Oyijon, iltimos, menga bir bo'lak tortingizdan bering? — deb so'rabdi filcha.

— Faqat hozir emas, — debdi onasi. — Bor, ko'chada birpas o'ynab kel, keyin.

Xafa bo'lgan filcha ko'chaga chiqib bir daraxt tagida yotib olibdi. Avvaliga u qattiq kulgu tovushlarini eshitibdi, keyin esa uning do'stlari yo'lbarscha Tommi, begemotcha Xippi va Mikki ko'rindirdi. Uchalasi ham sherbachcha Leoning uyi tomon yo'nalibdi. Filcha Trampining xartumi ustidan ikkita katta-katta ko'zyoshi dumalab tushibdi.

Shu payt uni onasi chaqiribdi:

— Trampi, iltimos, ona maymundan borib bir dona banan olib kelgin!

— Axir bananlar o'zimda ham bor-ku, — deb hayron bo'libdi filcha Trampi.

— Mahmadorlik qilmasdan mening aytganimni bajar, — debdi ona fil.

lloj qancha, Trampi ona maymundan bir dona banan olib, uyiga qaytibdi.

Sherbachcha Leoning uyi yonidan o'tayotib, filcha Trampi birpas to'xtab, quloq solibdi. Ammo atrof jimjit ekan.

— Ular qayoqqa g'oyib bo'lishdiykin? Menga bir og'iz ham indashmadi-ya? —

deb xafa bo'libdi Trampi.

Filcha Trampining uyi jimjit va qorong'u ekan. U xona o'rtasida turib olib, do'stu birodarlarsiz yashash judayam yomon ekanligi haqida o'ylab ketibdi.

Shu payt eshik ochilib, Ona fil kirib kelibdi-yu, hammayoq charog'on bo'lib ketibdi. Ona filning qo'lida kattakon va sap-sariq bananli tort. Tortning ustida kimningdir tug'ilgan kuni sharofatiga rang-barang shamchalar yoqib qo'yilgan ekan. Birdaniga xona ichidan kulgu aralash quvnoq tovushlar jaranglay boshlabdi.

— Seni bugun rosa qo'lga tushirdik-da, Trampi!

Filcha Trampi, o'girilib stol atrofida o'zining hamma do'stlarini — yo'lbarscha Tommi, sherbachcha Leo, begemot Xippi va Mikkini ko'ribdi. Do'stlari filcha Trampini tug'ilgan kuni bilan chin dildan tabriklabdilar. Nimagadir filcha Trampi bugun tug'ilgan kuni ekanligini esidan chiqarib qo'ygan ekan. Trampi do'stlarining bu beozor hazilidan biram quvonib ketibdiki, katta-katta quloqlarini tez-tez silkitib, uzun xartumini chiroyli qilib o'ynatibdi. Sherbachcha Leo bir sakrab Trampining ustiga chiqib olibdi. Mikki uning xartumiga osilib arg'imchoq ucha boshlabdi.

Filcha Trampi tag'in do'stlari bilan birga ekanligidan xursand bo'lib, quvnab-yashnab qo'shiq kuylabdi:

La-la, la-la, la-la-lay,


Men bugun xursandman-ey!

Gavhar NORMATOVA
tarjimai

Биз Ҳиндистон аёлларини кўпроқ бадиий фильмлар орқали биламиз. Уларнинг ўзига хос тарзда кийинишлари, урф-одатлари, рақслари ҳаммамизни ҳайратга солади. «Ҳинд аёллари айти кунларда қандай кийинмоқдалар?» деган савол билан пойтахтдаги Ҳиндистон маданият маркази ходимаси, раққоса Анурадха АРОРАга мурожаат қилдик.

— Ҳинд аёллари кейинги йилларда кўпроқ табиий, нафис матолардан кийим тиктирмоқдалар. Ҳиндистонда сарий— тикилмайдиган аёллар кийим-кечаги асосий либос ҳисобланади. Уни мамлакатимизнинг турли вилоятларида турлича кийишади. Ҳатто турли табақалардаги аёлларнинг сарий ўрашида фарқ бор. Масалан, айрим қабила аёллари сарийни тиззалари кўринадиган шаклда калта ўрашади. Далада ишловчи деҳқон аёллар ҳам худди шу тарзда кийишади. Махарашатрнинг меҳнаткаш аёллари белларигача калта шалварга ўхшатиб, брахманлари эса 9 метрлик сарийни жуда мураккаб тарзда, узун кийишади. Кейинги йилларда Фарбнинг таъсири кучайиб, сарийларнинг олди очиқ бўлиб бормоқда. Авваллари сарий остидан кийиладиган кофтлар енгли бўлган бўлса, ҳозир енгсиз, тасма тарзида, этаклари кенг тикиляпти. Келинчақлар учун ялтироқ кийим-кечақлар махсус тикилади.

Ҳинд аёллари кўркам ва жозибали кўринишга, шу билан бирга, ўз урф-одатларини, миллийликни сақлашга ҳаракат қилмоқдалар.



Заҳириддин Муҳаммад БОБУР

*Сочининг савдоси тушти бошима бошдин яна,
Тийра бўлди рўзгорим ул ҳаро қомдин яна.*

*Мен худ ул тифли паривашга кўнгул бердим, вале,
Хопумоним ногаҳон бузулмагай бошдин яна.*

*Юз ямонлиг кўруб ондин телба бўлдунг, эй кўнгул,
Яхшилиғени кўз тутарсен ул паривашдин яна.*

*Том урар атфол мени, уйида фориг ул пари,
Телбалардек қичқирурмен ҳар замон томдин яна.*

*Обғим етганча Бобурдек кетар эрдим, нетай,
Сочининг савдоси тушти бошима бошдин яна.*



Ўзбекистонда жамият ва табиат алоқадорлиги эволюцияси босқичларининг ўзига хослигини аниқлаш халқ донишмандлиги, удумлар ва сўнгра фалсафий концепцияларнинг келиб чиқишини, уларнинг жамият ва табиатга ижобий ёки салбий таъсир этганлигини ёритиш муҳим масаладир.

Собиқ СССР даврида илмий адабиётларда жамият-табиат алоқадорлиги эволюциясини аниқлашда формацион ёндошиш устуворлик қилди. Антогонистик ишлаб чиқариш усулларининг сўнгги босқичи — капиталистик ишлаб чиқариш усули ҳозирги замон глобал муаммоларининг бирдан-бир манбаи, аксинча социалистик ишлаб чиқариш усули, умуман социализм барча экомуаммоларни ҳал қилишнинг ягона босқичи, механизми сифатида эътироф этилди. Жамият ва табиат алоқадорлиги эволюцияси босқичларини белгилашнинг технологик вариантлари бор. Шунингдек, жамият-табиат алоқадорлигини табиатнинг тайёр маҳсулотларини ўзлаштирувчилик босқичи, деҳқончилик, чорвачилик, хунармандчилик ва шаҳарларнинг ривожланиши босқичи ва саноат ривожланиши босқичлари ҳам фарқланади.

Кўриниб турибдики, жамият-табиат алоқадорлиги тарихини ушбу даврлаштиришларда тарихни материалистик ва технологик тушунишларга таянилган. Тарихга диалектик маданий тушуниш концепцияси бўйича қарасак, инсонлар ўз-ўзига ва воқеликка ишлов бериши орқали маданият ривожланиши билан жамият ҳам ривожланган.

Марказий Осиё ва Қозоғистон халқлари минтақаси узоқ ва мураккаб тарихий жараённинг маҳсули бўлибгина қолмай, улар маънавий маданият ва ҳиссиёт туйғулари билан ҳам ниҳоятда чирмашиб кетган ўзига хос этносларнинг ватанидир. Шунинг учун ҳам худудимизда жамият-табиат алоқадорлиги тарихи ва унга мувофиқ ке-

УЙҒУНЛИК

Р. МАМАТҚУЛОВ,
Тошкент давлат юридик институти ўқитувчиси

лувчи миллий қадриятларимизни аниқлашда бу жараённинг бош элементи — субъекти сифатида ўзбек миллатининг шаклланиш ва ривожланиш эволюциясини асос қилиб олишимиз нисбий ва шартлидир.

Тарихнинг гувоҳлик беришича, 3-4 минг йиллар олдин ҳозирги Марказий Осиё ва Қозоғистон худудида ҳинд-оврупо тилларида сўзлашадиган қабилалар Олтой ва Мўғулистон томон кўчиб ўтган. Ва аксинча, милоддан олдинги I минг йилликнинг охиридан бошлаб Буюк дашт орқали Шарқдан Фарбга кўчиш юз берган. Бу кўчиш эрамининг I минг йиллиги ўрталаригача давом этган. Дастлабки туркий қабилалар — усун, хунн сўғдийларни туркийлаштириб юборган. Хунн, сўнгра хионит ва кидаритлар мана шу кўчиш даврида келиб ўрнашган туркий қабилалардир. Бунда улар билан биргаликда мўғул, уйғур қабилаларининг кўчиши ҳам юз берган. Демак, эрамининг I мингинчи йилларининг охириларигача маҳаллий аҳоли билан аралашиб туркийлашган элатлар ҳозирги ўзбек халқининг биринчи субэтносини ташкил этади. Халқимиз таркибида турк-мўғул қабилалари эса иккинчи, XV-XVI асрларда кўчиб келган Дашти қипчоқ ўзбекларининг авлодлари учинчи субэтнослар ҳисобланади.

Бизнингча, тарихни диалектик маданий тушуниш бўйича худудимиздаги жамият-табиат алоқадорлиги халқларимизнинг қуйи-

даги тарихий босқичларидан иборат: Марказий Осиё худудидаги исломгача бўлган қадимги ва илк ўрта аср цивилизациялари босқичи; ўрта аср цивилизациялари даври; мустамлака цивилизациялари босқичлари; мустақил Ўзбекистон Республикаси цивилизацияси.

Худудимизда исломгача бўлган тарихий даврда табиат алоқадорлигини акс эттирувчи халқ донишмандлиги асари — «Авесто»дир. Шунингдек, бу даврда халқимизнинг табиатга муносабатини акс эттирган йил боши байрами — Наврўз, меҳржон, сада, гулханда исиниш байрами, ёғлиқ нон ёпиш куни, арвоҳлар учун қабрларга овқат қўядиган кун ва шу каби удумлар, байрамлар бўлган. Улар, биринчидан, бевосита аждодларимизнинг табиат билан амалий алоқадорликлари, иккинчидан, табиатга бўлган мифологик, сўнгра зардуштийлик ва бошқа диний тушунчалари, донишмандлик қарашларидан келиб чиққан ҳамда амал қилган.

Бир сўз билан айтганда, ўлкамизда жамият-табиат алоқадорликлари ўзига хос кўринишларга, босқичларга эга бўлиб, улар табиатга оқилона муносабатимизни акс эттирувчи халқ донолиги намуналари — ривоятлар, дostonлар, қиссалар, ҳикоялар, эртақлар, ҳикматлар, ҳазиллар, аскиялар, ўланлар, марсиялар, топишмоқлар, табиат ва меҳнатни эъзозловчи удумларнинг келиб чиқишига манба бўлиб хизмат қилган.

Маҳбубларнинг мактублари

Йоҳанн Волфганг Гёте (1749-1832) Веймарда анча йиллар яшаб, ўзи учун иф-фатли ва гўзал Ифигения тимсоли бўлган Лотта фон Штейн исмли оқила, маърифатли аёлни севиб, хат ёзишиб турган.

Лотта хоним даҳо шоирнинг хатларини етарли қадрламаган шекилли, ундан кўнгли совиган. 1789 йил атрофида Гёте Италия саёҳатига кетади. Шундан сўнг министр ва шоир камбағал оиладан чиққан, маърифатдан узоқ Христина Вулпина хоним билан дўстлашди. Аммо бу севги Гётега аввалги маҳбубаси Лоттадай қизгин илҳом беролмади.

Гёте Лотта фон Штейн хонимга Азизам, хатингиз мени ранжитди. Туйғуларингизга ишонмаётганингиз, шубҳаларингиз сабабини тушунолсайдим! Агар севгига ишонганингизда камина минглаб бахтиёр ошиқларингиз қаторига кўшилдим! Аммо (севги туйғуларини) умуман тушуниш мумкин эмас. Бу муаммога қай тарафдан қарасам, буни тушуниб бўлмайди, деган аниқ фикрга келяпман. Ахир буни (севгини) барча чин инсонлар орзу қилади, (севги) сизга ҳам кўз ёшлари келтиради. Бу ҳақ! Ҳаёт кўргуликларига камина чидам-лироқ эканман. Ҳаётимда доимо орзуларга берилман. Биринчи муҳаббатимни яна кўриш насиб этди менга. Тақдиримдан айланай! Саёҳат вақтида (сизни ўйлаб) қанча ажаб нарсаларни кўрмай қолдим. Бу саёҳат энди орзуларимнинг охири деб ўйлагандим. Холбуки, яна бошимда бу савдо бор экан! Ахир (сиз ҳақингизда) доимо ўйлашнинг ўзи мен учун бахт-иқбол-ку! Тез орада (Веймарга) қайтаман. Кўришгунча хайр!

1876 йил, мартнинг охири.
Лейпциг.

Сайрдан аста уйга қайтдим. Хатларингни қайта-қайта ўқиш, сени ўйлаш нақадар завқли. Мен асли эркин, шахсий ҳаётни севаман, тақдир мени давлат арбоби, аслзода оила фарзанди қилган экан, нега бундайлигини тушунмайман. Фақат сен учун яшагим келади, азизим, Лотта, ҳаётимнинг ҳар лаҳзаси сенга аталган. Сен — меникисан, кўнглим шуни истайди. Кеча сени кўриш, йўлда каретада ёнингда ўтириш, яқинингда бўлиш насиб этди. Фақат шаҳарга етганимизда орамизда бошқа маконлар ҳам борлиги кўринди. Ёзаётган эртагимнинг биринчи қисмини ҳаётимда пишитмоқдаман, бунинг орасида баъзан шеър битаман. Ҳамишагидай ёзишга вақт ва осойишталик етишмайди.

1-8 сентябрь, 1876 йил.

Азизам, сени қийнаб нима қиламан? Ўзимни алдаб, сени қийнаб... юргандан нима фойда? Бизни боғлайдиган ҳеч нима бўлмаса-да, бир-биримизни жуда қадрлай-

миз. Ишон ахир, биз ошкора гаплашиб олганимизда сен ҳамма айтганларимга иқроор бўлган эдинг-ку. Мен ҳеч кимни алдамай, ростини айтишга ўрганганман, шу туфайли, тоқат қилолмайман ёлғонга. Хайрли тун, фариштам ва хайрли тонг... Мен сени яна... (қайгули) кўришни истамайман. Фақат... Ҳаммасини бир сен-у, бир менинг қалбим билади... Сенга айтмоқчи бўлганларим ҳаммаси беҳуда гаплар. Энди мен сени фақат олисдаги юлдузлар сингари кўраман! Бу ҳақда яхшилаб ўйлаб кўр.

Манзил. Фон Штейн хонимга. Мактубга
Саксен-Веймар-Эйзенах давлат муҳри
босилган.

Сенинг муҳаббатинг қуёш ботгандан сўнг кўриниб, қуёш чиққунча порлаб турадиган тонг юлдузига ўхшайди. Бу юлдуз худди Кутб юлдузи сингари боқий-сўнмас бўлишини истайман. Худодан илтимос қилиб, уни менинг ҳаёт йўлимдан мангу ўчирмаслигини сўрайман. Биз сайрга чиққанда баҳор найсонлари бошланиб қолсам майли. Чунки у табиатни уйғотиб юборади. Кўп ўтмай бош кўтариб чиққан илк майсаларни кўриб кўзларимиз яшнади. Биз ҳеч қачон бундай ажиб баҳорни бирга қаршиламаганмиз, илоё, бу баҳорнинг кузи бўлмасин. Азизам, кечир!.. Хайр, суюқлигим.

22 март, 1881 йил.

Бугун эрталаб, Вилгелмдан бир бобни ёздим, бунинг бошланишини сенга айтиб ёздирган эдим. Жуда завқли онлар эди. Аслида камина ёзиш учун туғилган эканман. Яхши нарсга ёзсам шундай дилим ёришиб, қувониб кетаманки, ўйлаганимдай чиқса. Ҳаётим, ижодим, ёзувларимнинг булоғи сенсан, азизим. Шу булоқни мусаффо сақлагин.

19 август, 1882 йил.

Ораста бўлинг

Сочининг савдоси...

СОЧИНГИЗНИ АСРАНГ

Қалин, чиройли сочга ҳамма ҳавас билан қарайди. Агар соч табиий рангини йўқотган, нурсизланиб, жонсизланиб қолган бўлса, бундай сочни дарҳол даволаш шарт. Соч гўё кўзгу — саломатлигингиз, ҳатто кайфиятингизнинг акси. Сўнги йилларда соч касаллиги анча кўпайиб кетди. Бунинг сабаблари кўп: наслий белгилар, бола туғилганидан сўнг гармонларнинг ўзгаришлари, организмдаги ички касалликлар, асаб... Сочни сақлаб қолиш учун баъзан шифокорнинг бир маслаҳатига кифоя қилади. Шунинг учун сочингиз табиатини билишингиз керак. Бу қийин эмас. Соч ёгли, ёғсиз ва ўртача бўлади. Сиз сочингиз қайси тоифага киришини билган ҳолда, яна шуни эсда тутингки, сочининг физиологик ўзгариши йил бўйи давом этади, бир кунда қирқ донга соч толаси тўкилиши табиий. Бош териси тоза ва соч эластик бўлса, оддий гигиена қоидаларига риоя қилишнинг ўзи кифоя. Энг муҳими сочни тўғри парваришлаш. Бошни ҳафтада бир марта ювиб, турли хил доривор гиёҳлар қайнатмасига чайиш лозим. Бунинг учун бир литр сувга икки ош қошиқ ромашка гулини солиб, 5 дақиқа қайнатилади. Ювилган сочингизни фен билан қуритманг, очиқ ҳавода тараб қуритган маъқул. Сочингизни қанча кўп тарасангиз, шунча яхши. Сочингизга эрталаб ва кечқурун, албатта, шундай массаж зарур.

СОЧ ТУРМАКЛАШ

Кундалик соч турмаги уйда бажарилади. Бунинг учун 25-30 донга бигуди, сийрак ва зич тишли иккита тароқ ва фен керак. Дастлаб сочни намлаб, унга лимон суви ёки махсус пардоз суюқлиги суриш лозим. Типратикансимон елим бигудилар фойдаланишга қулай. Бигудининг диаметри турмак русуми ва сочининг қалинлигига мос бўлиши лозим. Масалан, пешонадан қирқилган соч учун йирик, орқа бўйинни қоплайдиган қисқа соч учун ингичка бигудидан фойдаланилади.

Сочни бир неча хил усулда жингалак қилиш мумкин. Айрим аёллар кечаси ёта туриб сочни жингалак қилишга киришадилар, лекин бигудиларга ўралган соч билан ухлаш жуда ноқулай ва саломатликка зиён.

Сочни шундай турмаклаш керакки, у хуснига хусн қўшиши ва юзнинг айрим нуқсонларини кўздан пана қилмоғи лозим. Агар юз чўзиқ, манглай кенг бўлса, манглайни соч билан қоплаган яхши. Тор манглай ва думалоқ юзни соч ёрдамида чўзиқроқ кўрсатиш мумкин. Соч билан ингичка бўйинни ҳам беркитса бўлади. Қисқа ва йўгон бўйинда соч бурчак шаклида қирқилса, чиройли кўринади.



Ўзбекистон миллий каратэ федерацияси президенти Нурхон Нафасов ва тажрибали мураббий Хўжамқул Хўжақуловларнинг ҳамкорлиги ана шундай ютуқларга омил бўлмоқда.



Ўзбекистон миллий каратэ федерацияси

ҳаётидан лавҳалар



Сканворд

Қўшқин астриса (АҚШ)						Дарё (Польша)	Тоқув аяқоми
ТВ русуми	Гранде	«Шайтан» асар образи	Дуқ жаҳд	Яғлиқ яратувчи	Юқ автоси русуми	Торрер	
	Моҳир овчи		Достон		Олмош		
			Самолёт				
Давлат (Осиё)		Таалуқди		Тўп майдон ташқарисиди			Тутти
Уч (тожикча)	Қўшқин (Россия)						
«Рамазон» қадромони				Қадимги Италия пули	Шаҳар (Франция)		
Ачигъи тури							
			Боксчи	М.Тавеннинг асл исми			Дарё (Франция)
Кар кинш кукун			Жонс				
Биринчи			Нота				Дарё (Африка)
			гачи				
Инкор қўшқинчаси		Хэинан			Юз		
Бректон...		Бразерс			Олмош		
	Фотиха			Валюта		Чул гули	Бош (форсча)
	Дарё булаг			Кўп			
			АҚШдаги штат				
			10 центнер		Ном		
Робинзон...							
Йўл (форсча)	Қазноқ				Дулоқ		
					Араб харфи		
		Йўқ сон		Штат АҚШ	Ранг		
		Ирс					
	Кул (Америка)			Хашорат			Фаровон
	Музыка асбоби						
Ранг	Ҳамд			 чапоқ	Шоҳор	
Спйбанинг амакиси	Оз				Қомаг	Ҳайқирик	
			Шайтон суви				
Электрод						Шаҳар (Япония)	
Қарз			Дарё (Вьетнам)			Грек харфи	
				Тол (русча)		Ҳақиқат	

Илҳом ТУРОБОВ тузган

2-сонда берилган кроссворд ва «Она - Ватаним» айланма сканворднинг жавоблари

КРОССВОРД

Оққиқ: 1. Мунавварқори. 2. «Мунозара». 3. «Раҳбари нажот». 4. «Маълумот». 5. Мактаб. 6. «Чин севиш». 7. «Сайҳа». 8. «Форс». 9. «Дунё». 10. Энг.

Шеърий мисралар:

Ватанимни зиёрат қилмоққа эрта тонгда кел,
Хай-ҳай қандай Ватан бу!
У менинг саждағоҳим, жону танимдир.
У менинг осмондаги ойим,
Осойишим, иззатим, шарафим,
Ҳам каъбам, ҳам қалбим, ҳам чаманимдир.

«ОНА ВАТАНИМ» АЙЛАНМА СКАНВОРДИ

1. Орипов. 2. «Омонёр». 3. Фарғона. 4. Ангрен. 5. «Бузрук». 6. Хотира. 7. Шарғун. 8. Жайхун. 9. Пойтахт. 10. Пўлкан. 11. Кошғарий. 12. Наргис. 13. Ахсикат. 14. Байроқ. 15. «Навоий». 16. Хоразм. 17. Деҳқон. 18. Нодира. 19. «Алпомиш». 20. Писком. 21. Баргак.
Оққиқ: 1. Беруний. 2. Оқсарой. 3. Камолот. 4. Огоҳлик. 5. Ёқут. 6. Ғўза.
Табрик сўзлар: Улуғ айёминг муборак бўлсин, азиз мустақил ҳур Ўзбекистоним!

СИЁСИЙ ЛАТИФАЛАР



Брежнев бошчилигидаги Сиёсий Бюро аъзолари Кубага учиб кетишибди. Бирдан самолётнинг таги узилиб кетипти-ю, ҳамма йўловчилар бошлари устидаги пештахтага икки қўллари билан осилиб олишга улгуришибди. Радиодан йўловчиларга мурожаат эшитилибди:

— Ўртоқлар! Ичинларда кимдир ўзини фидо этмоғи керак. Шунда самолётни тўғрилаб олса бўлади. Қўлингизни кўйиб юборсангиз кифоя...

Брежнев томоқ қирибди.

— Қадрли ўртоқлар! Мен партиямиз, халқимизнинг биринчи фарзандиман. Тинимсиз меҳнат қилиб келдим. Кўп нарсаларни амалга оширдим. Бунинг учун неча марталаб тақдирланганман. Юқорида айтилганларни инobatга олиб, биринчи бўлиб мен ўз-ўзимни фидо қилмоғим керак. Гулдурос қарсақлар янграйди...



Брежневнинг олдига бир аёл келиб, шинам квартира беришни талаб қилибди.

Брежнев ҳеч ёрдам қила олмайман, уй тақсимооти билан профсоюз ва маҳаллий кенгашлар шуғулланади деб ўзини бу ишдан четга олибди.

— Вой, сени қара-ю, бирга ухлаш бўлса ухлайверасан, квартира беришга келганда жуфтакни ростлар экансан-да...

Брежнев ҳижолат бўлиб ёрдамчисини чақириб, аёл учун квартирага ордер ёзиб беришни буюрибди. Кейин ёлғиз қолганларида, аёлдан сўрабди...

— Нечуқдир эслолмаяпман. Қачон бирга ухлаганмиз?

— КПСС XXV съездида. Сиз президиумда, мен 28-қаторда...



Унутманг!
Суюкли
журналингиз
«GULISTON»га обуна
давом этмоқда.

Индекс: якка обуначилар учун — 820
ташкilotлар учун — 806

Қандай қилиб соғлиқни ва ёшликни 100 ёшгача сақлаш мумкин?

(Давоми)

3-қоида. **ТОЗА СУВДАН ФЙДАЛАНИНГ**

Танамизнинг 70 фоизини сув ташкил этади ва биз доимо мўтадил ҳаёт тарзини таъминлаш учун унинг ўрнини тўлдиришга эҳтиёж сезамиз. Кислороддан сўнг сув инсон ва ҳайвонлар ҳаётида энг муҳим неъматдир.

Агар инсон танасида сув етишмовчилиги бўлса, у чанқайди, боши оғрийди, асабийлашади, овқат ҳазм бўлмади ва бошқа кўнгилсизликлар юз бериши мумкин.

Одам вужудида сувнинг учта манбаи бор:

— сиз меваларни ейсиз ёки шарбатини ичасиз, суюқ овқатлар, суюқликлар истеъмол қиласиз;

— сув қуюқ овқатлар билан бирга келади;

— метаболизм (моддалар алмашинуви) танамизга кираётган намликлардан сувни ҳосил қилади.

Шуниси маълумки, қадимги греклар, оссурияликлар, яҳудийлар, ҳиндлар, хитойликлар, америкалик ҳиндулар сув билан даволашнинг барча усулларини қўллашган.

Шунинг учун, келинг, сувни соғлиғимизни мустаҳкамлаш мақсадида имкони борича ишлатайлик:

— кун мобайнида 1,5-2 литр суюқлик истеъмол қилинг;

— сувни тиндириб ишлатинг;

— ҳафтасига 1-2 марта маъданли тузлар билан (37-40°C) 15-20 дақиқа давомида иссиқ сувли ванна қабул қилинг. Яхши ванна бўшаштирувчи восита бўлиб, у асабни тинчлантиради.

— сузиш энг яхши машқлардан биридир, инсон танасини чарчатиб қўймайди. Бу бир пайтнинг ўзида ҳам спорт

машғулоти, ҳам шифодир. Сузиш билан имкон борича кўпроқ шуғулланинг;

— ҳаммага маълуму машҳур бўлган Гиппократ (Букрот) усулини — совуқ ва иссиқ сувларни галма-галдан сочма қилиб қўлланг. Бу қон айланишига таъсир кўрсатиб, тетиклаштиради ва руҳий ҳолатингизни яхшилайд.

4-қоида. **ТЎҒРИ ОВҚАТЛАНИНГ**

Овқатланиш соғлиғимиз учун энг муҳим восита бўлиб, бахтимиз, муваффақиятларимиз ва ҳаётимизнинг давомийлигини таъминлайди. Афсуски, биз кўп ҳолларда буни тушуниб етмаймиз, кейин ички аъзоларимиз касалланишидан азоб чекамиз. Нотўғри овқатланиш ва зарарли нарсаларни истеъмол қилиш турли касалликларни келтириб чиқаради.

Тўғри овқатланишни бошлаш ҳеч қачон кеч эмас. Чунки танамиз ишлаб турган кимёвий фабрикадир. Танамизга сифатли озуқа берар эканмиз, уни атрофимизни ўраб турган турли бактериялар, вирусларга қарши курашишга имкон берамиз.

Қандай тартибда овқатланиш — ҳар кимнинг мижозига, таъбига боғлиқ. Агар имкон бўлса, бир кунда 4-5 маҳал оздан, шовилмасдан чайнаб ейиш керак. Бу билан сиз ошқозонингиз яхши ишлашига ёрдам берасиз. Тўғри овқатланиш қоидаларига риоя этсангиз, ўзингизни ҳар доим тетик ва бардам ҳис қиласиз.

(Давоми келгуси сонларда.)

Ғаройиб дунё

Одам эмас, ажалнинг уруғи

Швейцариянинг Граубунден шаҳрилик Мэри Мэллон (асл исми Мария Анна Кадуфф, 1855 йилда туғилган) 1868 йил 11 январь куни номаълум сабабларга кўра АҚШга кўчиб келди ва Нью-Йорк шаҳридаги ошхоналардан бирида ошпаз бўлиб ишлаш бошлади. Бутун умри давомида у жами 53 бор шаҳар бўйлаб турли юқумли касалликлар тарқалишига сабабчи бўлди. Хусусан, у тарқатган дахшатли юқумли касаллик оқибатида шаҳарнинг Итака мавзесида 1903 йили 1400 нафар одам қаттиқ хасталанди, уч киши эса оламдан кўз юмди. Халқ томонидан «Ажалнинг уруғи» деган ном олмиш бу аёл 1915 йилдан то умрининг сўнгги дақиқаларига қадар Норт Базер оролидаги касалхонада сақланди. У 1938 йил 11 ноябрда зотилжам касаллигидан вафот этди.

Олов билан ўйнашманг

«Оташнафас инсон» деган ибора баайни Буюк Британия фуқароси Рег Моррис ҳақида айтилгандек. 1986 йилнинг 29

октябрида у Чейстаун шаҳрида оғзидан узунлиги 9,4 метрли оловни пуфлаб чиқарди. Орадан икки йилча ўтиб, 1988 йилнинг 25 июнида эса Моррис икки соат



давомида 22 888 дона машъалани оғзига солиб ўчирди. Бу Буюк Британиянинг Уолсалл шаҳридаги Ййутри мактабида содир бўлди. Аёллар ўртасидаги худди шундай рекорд эса австралиялик Сипра Эллен Ллойдга тегишли. 1986 йил 26 июль куни у Порт Лонсдейл шаҳрида 8357 дона машъалани оғзига суқиб ўчира билган.

Хайрли ишнинг кечи йўқ

1967 йили швейцариялик муаллим Томас Литз одатдагидек ўқувчиларнинг ёзма иш дафтарларини текширди. Текширди-ю, қайтариб беришни тамомила ёддан чиқарди. Дафтарлар фақат 1988 йилдагина тасодифан топилиб, эгаларига қайтарилди. Бу вақт давомида Литзнинг ўқувчиларидан бири — Марк Жонсон устозининг этагидан тутиб, муаллимлик касбини эгаллаб улгурган эди. Бу йўлдаги атак-чечак қадамлари муҳрланган дафтар унинг қўлига 1988 йил 1 февраль куни — орадан роппа-роса 21 йил ўтгач тегди.



Шинавандалар

(ҳажвия)

Кўшнимизнинг телевизори жуда жонга теғди. Даҳшатли томони — уларнинг телевизорхонаси менинг дарсхонам билан туташ! Эрталабдан кечгача чакаги ўчмайди. Одамлар емай-ичмай, пул йиғиб тўй қилади, машина олади, булар катта товоққа ўхшаган антенна сотиб олишган. Баъзида тунда кулогимнинг тагида автомат тариллаб қолади. “Ўлди-ёв”, — деб ўйлайман уйқум бузилиб.

Дарс сира миямга кирмайди. Телевизорни кулоқлари том битгандай бақиртириб кўйишларини айтмасизми?! Кечқурунлари инглиз тилидан дарс қилгани ўтираман, аммо «ит из»дан нарига ўта олмайман. Чунки бу пайтда «Эсмералда» бошланади. Эсмералда Себастьяннимиди-ей яхши кўради, шекилли.

— О, Эсмералда, биз бирга бўлишимиз керак! — дейди у. Қиз эса сира кўнмайди.

— Сен хато қиялпсан, Хосе Армандо! Ахир сенинг қайлигинг бор-ку! — дейди қиз. Шу пайтда анови доктор пайдо бўлади.

— Хосе Армандо, сенга Эсмералданинг тирноғини ҳам бермайман! — бақиради у.

Кунлардан бир кун кўшниккига меҳмонга чиқдим. Ўзим илжаяман-у, тишларим гижирлайди. Опоқи телевизорнинг олдига ўтириб олганлар. Мен билан сўрашгани вақтлари ҳам йўқ. Бу ёқда амаки, у ёқда ўғли, неваралар — ҳаммалари телевизорга анграйганча қотиб қолишган. Келинпошша эса пойгақда. Реклама бошланиши билан пилдираб чиқиб чой-пой олиб келади ёки қозонини кавлаб қайтади. Икки кўзи телевизорда!

— Ия! — дедим мен чойдан хўпларканман, туппа-тузук кўрсатаётган телевизорга имо қилиб. — Нега бунақа кўрсатяпти?

Уй эгалари дарров нолий кетишди.

— Ҳозир боғлаймиз! — дедим энгларимни шимариб. — Зўр кўрсатадиган қилиб бераман.

— Кино тугасин, — дедилар опоқи. Унга келин кўшилди:

— Вой, ойи, соат ўн бирда “индийски” бор, ўшани кўраимиз... «Оббо, худо урди, «индийски» бўлган куну умуман уйқу бўлмайди. Кечаси билан йиглаб чиқаман!»

Умрим бино бўлиб телевизорга яқин келган эмасман. Аммо газабим зўрлигидан

бирпасда телевизорнинг ичак-чавоғини ағдариб кўйдим. Қасд олаётганимдан хурсанд, “илҳом” билан ишляяпман, денг.

— Унча-мунча акамга қарашиб юриб, анча кўлдан кеп қолган!

— Илоё, умрингдан барака топ! — опоқи дуо қилдилар. Бу кампирдан футбол ҳам қолмайди, теннис ҳам. Боксни ҳам кўрадилар...

Бадҳоқ қувонч-ла лампочкаларни бураб чиқариб олдим. Онда-сонда кавшарлагич билан бир нималарни улаган бўламан. Баъзан “пов” этиб олов чиқиб кетади, мен «пуф-пуф»лаб ўчираман. Буни кўриб уй эгалари хавотирга тушиб қолишди. Қимир этмай найзадай нигоҳларини менга санчиб ўтиришибди.

— Бир оз замиканийси бор экан. Ҳозир тузатамиз.

Бу орада «Тунги ёғду» ҳам тугади. Вақт алламаҳал бўлиб қолгани учун лампочкаларни амаллаб ичига жойладим-да, телевизорни кўйдим. Телевизор умуман кўрсатмади, аммо овози чақмоқдай чиқди.

— Овози зўр бўпти, — дедим йиғлагудай бўлиб. Кейин телевизорни бошқатдан «ечинтира» бошладим.

— Ҳозир боғлаймиз, — дедим уларни тинчлантирган бўлиб. — «Сони» қилиб юбормасам отимни бошқа кўяман. Қахрамонлари ичидан чиқиб, сиз билан бирга чой ичиб ўтиради, — керилдим яна.

Телевизорнинг ичидаги лаш-лушларини олиб, яна бошқатдан кўйиб чиқдим. Бу сафар унинг овоз ўчиб, қингир-қийшиқ тасвир пайдо бўлганди. Телевизорни яна қайта очмоқчи эдим, тепамда ўғил пайдо бўлди:

— Тўлаб берасиз! — деди у буқадай хезланиб. — Агар тўламасанг, ичак-чавоғингни шу телевизорниқидай ағдариб ташлайман.

Қочиб ҳовлига тушдим.

— Ўзи трубкеси эски бўлса, айб мендами?

— Тўлаб берасан! Агар тўламасанг... — орқамдан қувлади у.

Уйимга кириб, эшикни тамбалаб олдим-да, овозимнинг борича бақирдим:

— Телевизорингни лом билан уриб синдираганимга шуқр қил...

Наим НИЁЗОВ.



Муртазо ЭРГАШЕВ ўзбек тасвирий санъат оламига ўтган асрнинг 80-йиллари бошида дадил қадамлар билан кириб келган. Айни кунларда у ранг-тасвир йўналишида ижод қилаётир. Рассом асарлари композиция пишиқлиги, рангларнинг ёрқинлиги билан бир қарашдаёқ юракни “жиз” эттиради. Унинг “Кўприк” асарини томоша қилар экансиз, аввало, композициянинг гўзаллиги ҳайратга солади.

...Еру осмон ўртасида оддийгина ёғоч кўприк. Бошингиз узра мовий осмон, кўприк остида икки қиргоқнинг кичик парчаси. Бир нафас кузатсангиз, булутлар гўё кўз ўнгингизда кўкка ўрлаётгандай туюлади. Олис-олисларда қорли гўзал чўққилар. Пастликда тошлоқ ер. Тириклик — нафис сариқ гуллар — ҳаёт рамзидай товланади. Асарнинг энг ёруғ нуқтаси ҳам шу гуллар. Кўприк устида эса инсон ҳаёти, унинг давомийлиги акс этган. Кўприкдан икки аёл ва икки бола ўтиб олишган. От етаклаган киши эса кўприкка энди қадам ташламоқда.

Кўприк остидаги тубсиз жарликка қарар экансиз, картина қаршисида турганингиз бир зум ёдингиздан кўтарилади, ишқилиб эсон-омон ўтиб олсинда, деб ўйлайсиз беихтиёр.

Рассом Муртазо Эргашев асарлари композиция жиҳатидан, фавқулодда ҳолатлар кашф этиши билан ҳам ўзига хосдир.

— Кино сериални бемалол кўраманми йўқми?! Футбол кўришинг учун эса реклама пайти бемалол этиб ортади.



— Даволаниш учун тўловдан ташқари бир неча ўзига ўхшаган пулдор беморларни чақиртиришни ҳам бўйнига қўйинг.




"Кўнрик"
Мусаббир Муртазо Эргашев.





ГУЛИСТОН

Индекс: якка обуначилар учун — 820
ташкilotлар учун — 806
Баҳоси: чакана савдода келишилган нархда



*Керми - техранинг
керми*

